

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**



**“Прокурорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш”  
кафедраси**

**“Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси  
ДЖАХАНОВ САНЖАРХОН САТТАРХОНОВИЧНИНГ**

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ  
БАҲОЛАШ ТИЗИМИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА  
мавзусидаги**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: Х.Каримов (PhD)**

**Илмий маслаҳатчи: Б.Х.Пўлатов (ю.ф.н.  
проф)**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ  
БАҲОЛАШ ТИЗИМИ:МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**КИРИШ**

- БОБ I Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари 10-46**
- 1.1. Прокуратура органларининг фаолият самарадорлигини оширишда ходимлар меҳнатини баҳолашнинг аҳамияти ва зарурати 10-34
- 1.2. Давлат хизматчисининг компетенцияси тушунчаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ходимлар компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асослари ва йўналишлари 34-46
- БОБ II Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда ходимлар малакасини оширишнинг аҳамияти 47-71**
- 2.1. Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини ислоҳ қилиш масалалари 47-59
- 2.2. Прокуратура органлари ходимлари томонидан ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳамда ходимлар малакасини оширишнинг зарурати 59-71
- БОБ III Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича хорижий амалиёт ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари**
- 3.1. Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолашга оид айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси
- 3.2. Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

**ХУЛОСА  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати  
ИЛОВА**

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат хизматининг самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминлаш ҳамда кадрлар малакасини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, мазкур йўналишда мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари тизимининг ташкил этилиши, “Менинг фикрим” портали яратилганлиги юртимизда давлат бошқарувини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бошқарувнинг демократик асосларини такомиллаштиришга ва ходимлар хизматининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилганлигини кўрсатади.

Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудида Конституция ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши учун масъул бўлган прокуратура фаолиятида ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Прокуратура органларининг бу борадаги иш фаолиятида амалдаги конунчиликни такомиллаштириш, профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, конун бузилиши содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шароитларни жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада бизнинг фикримизча, прокуратура органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда, ходимларнинг билими ва касб-маҳоратини юксалтириш, тизимда бошқарувнинг илғор ва замонавий усуллари жорий қилиш, ходимлар меҳнати ва касб самарадорлигини баҳолашда замонавий менежмент услубларини қўллаш, хусусан, **прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш** муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратура органлари ходимлари фаолиятини баҳолашнинг амалдаги ҳолатида баҳолаш кенг йўналишларни қамраб олмаётганлиги сабабли ходимлар фаолиятини баҳолашда ички ва ташқи жиҳатдан ёндашиш муҳимдир. Мазкур ҳолатда баҳолашнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўзида акс эттирган статистик, профессионал баҳога асосланган экспертлик, шунингдек, ташқи баҳо бериш орқали аниқланадиган социологик усулларга таяниб баҳолаш зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарорига мувофиқ марказий ва маҳаллий давлат ҳокимият бошқаруви идоралари ҳамда прокуратура органларининг раҳбарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари белгиланган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами 32(792) сон.

Секторлардаги прокурорлар фаолиятининг балл тизимида баҳоланганлиги прокурорларнинг бошқа фаолият йўналишларини баҳолаш тизимига янгича ёндашув, яъни устувор йўналишларда баҳолани юқори белгилаш ва балл кўринишига ўтиш зарурати мавзунини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади

#### **Тадқиқот объекти ва предмети.**

Мазкур магистрлик диссертациясида прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар объект сифатида белгиланган бўлса, ушбу муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, илмий-назарий қарашлар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий масалалар тадқиқотнинг предметини ташкил қилади.

#### **Тадқиқот мақсади ва вазифалари.**

Мазкур илмий ишнинг мақсади прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, шу жиҳатдан мавзу бўйича долзарб масалаларни аниқлаш, бу борада илмий асосланган таклиф ва ҳулосаларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаднинг амалга оширилиши прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги вазифалари ижросини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини янада демократлаштириш ва тизимда транспарентликни кучайтиришда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Юқоридаги мақсадга эришиш борасида қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгиланди:

- прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими моҳиятини очиқ бериш;

- прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида оид қонунчилик асосларини тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

- прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини ёритиб бериш;

- прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш самарадорлигини оширишда ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини қўллаш масалаларини қиёсий ўрганиб чиқиш;

- прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида ходимлар малакасини оширишнинг аҳамиятини таҳлил қилиш.

### **Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).**

Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш масалалари хориждаги бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Бироқ, ушбу мавзу илмий ҳижатдан янгилиги боис ҳар бир олим ўз тадқиқот ишида мавзунинг айрим жиҳатларига эътибор қаратган. Шунга кўра, миллий олимларимиз томонидан илмий тадқиқот олиб борилаётган мавзу тўлиқ ҳажмда ўрганиб чиқилмаган.

Хусусан, мамлакатимиз олимларидан М.Артиқова, Х.Зайниддинов, Қ.Раҳманов, Ш.Раҳматуллаева, Ж.Қорабоев, М.Якубов, М.Усманов, С.Ходжаевларнинг илмий ишларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ахборотлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш, электрон ҳуқуқат тизимини тадбиқ қилишнинг илмий-амалий

жихатлари таҳлил этиш борасида ходимларнинг фаолият самарадорлиги масалаларига эътибор қаратишган<sup>1</sup>.

Шунингдек, мамлакатимиз олимларидан юридик фанлари номзоди А.Давлетов ўзининг 1999 йилда чоп этилган рус тилидаги прокурор назорати бўйича дарслигида мустақиллик йилларида илк бор кенг кўламда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш хусусан, тизимда прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш асосларини ёритиб берди<sup>2</sup>.

Таниқли ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи З. Ибрагимовнинг илмий тадқиқот ишларида прокуратура органларида ишни ташкил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари хорижий мамлакатлар билан қиёсий ҳолда таҳлил этиб берилган<sup>3</sup>.

Юридик фанлари номзоди Б.Калоновнинг илмий-тадқиқот ишларида табиатнинг муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган<sup>4</sup>.

Юридик фанлари номзоди, доцент О.Мадалиев ўзининг илмий-тадқиқот ишларида биринчи инстанция судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатларини таъминлаш масалаларини кенг ёритиб берган<sup>5</sup>.

Таниқли ҳуқуқшунос олим М.Махбубовнинг илмий-тадқиқот ишларида Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари

---

<sup>1</sup>Зайниддинов.Х.Н, Артикова.М.А, Қорабоев.Ж.Ф. Бошқарувда ахборот технологиялари//Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.-Т.: “Академия”. 2014.,Зайниддинов.Х, Якубов.М, Қорабоев.Ж.Электрон ҳуқумат// Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси.Т.: Академия, 2013.,Ходжаев.С.М. Ахборотлаштириш. Замонавий қараш.-Т.,2014, Усманов А.И., Қорабоев.Ж.Ф., Рахматуллаева Ш.Қ. Давлат ва ташкилот бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари.Т.: Академия, 2009.

<sup>2</sup> Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник. -Нукус.: Билим, 1999.- С. 234.

<sup>3</sup>Ибрагимов.З.С. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг такомиллашуви.-Т.ИИВ Академияси нашриёти. 2009. - 266 б.

<sup>4</sup>Калонов Б. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Т. “Маънавият”. 2005. 112 б.

<sup>5</sup>Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. Монография. -Т.: ТДЮИ, 2005. - 244 б.

назорат-таҳлил фаолияти тартиби шаклланишининг тарихий босқичлари монографик тарзда ўрганилган<sup>1</sup>.

Таниқли ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи Б.Пўлатов ўзининг дарслик ва ўқув қўлланмаларида прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш умумий асосларини таҳлил қилган<sup>2</sup>.

Таниқли ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи Ф.Рахимовнинг илмий-тадқиқот ишларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида прокуратура органларининг ўрнига доир масалалар ёритиб берилган<sup>3</sup>.

Ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи Т.Умаровнинг илмий тадқиқот ишларида прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш жараёнида ахборот-таҳлил фаолиятига доир масалалар ёритиб берилган<sup>4</sup>.

Ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи А.Халимовнинг илмий-тадқиқот ишларида давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва вазибаларига доир масалалар монографик даражада кўриб чиқилган<sup>5</sup>.

Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича МДҲ давлатлари олимларидан

---

1 Маҳбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. (Монография). –Т.: Университет, 1991. 136 б.

2Пўлатов Б.Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. Брошюра.-Т.: Фан, -2002. 112 с.,Давлат айбловчисининг судда далилларни текширишдаги иштироки. Монография. -Т.: ТДЮИ, 2004. -77 б, Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати. (ўқув қўлланма), -Т.: Тезкор, 2007.- 311 б., Ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жинойи жазоларни ва жиноятга оид ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма. -Т.: Тезкор, 2007.- 205 б., Прокурор назорати. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2009.- 720 б

3Рахимов Ф.Х. Суд-ҳуқук ислохотлари жараёнлари ва прокуратура органлари // Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосда ташкил қилиниши мавзусидаги конференция тўплами. -Т.: ТДЮИ, 2007.- Б.13-14

<sup>4</sup>Умаров Т.А. Роль информационно-аналитической работы и планирования в правоприменительной деятельности// Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3(03)2010.С.13-17

<sup>5</sup>Халимов А.Х. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни.Т.2006. ТДЮИ. 168 б.

В.П.Беляев<sup>1</sup>, А.Б. Боровский<sup>2</sup>, В.В. Дьяконов<sup>3</sup>, Е.А. Маштакова<sup>4</sup>, А.Ф.Смирновлар<sup>5</sup> тегишли даражада илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Юқорида қайд қилинган илмий ишлар магистрлик диссертацияси учун муҳим илмий ва методологик манба вазифасини ўтади.

**Илмий ишнинг янгилиги шундан иборатки**, унда илк бор прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тизимли тарзда илмий-амалий таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Шунингдек, кўйидаги тушунчалар мазмуни очиб берилган:

- прокурор фаолиятини баҳолаш мезонлари ва баҳолашни амалга ошириш йўналишларини белгилаш;

- прокуратура органлари фаолиятини баҳолашга ваколатли бўлган ташкилий тузилма фаолияти ишлаб чиқиш;

- прокуратура органлари фаолиятига жамоатчилик томонидан берилган баҳонинг аҳамияти;

- прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини баҳолашнинг объекти, субъекти ва предметларини белгилаш, шунингдек, баҳолаш усуллари, методлари, баҳолашдан кўзланган мақсадларни аниқ белгилаш;

- ходимларнинг фаолиятини баҳолашнинг асосий вазифаларини белгилаш, ҳар бир ходимнинг самарадорлигини акс эттирувчи миқдорий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни ўз ичига олган иш фаолиятини

---

<sup>1</sup>Беляев В. П. Контроль и надзор как формы юридической деятельности: Вопросы теории и практики: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Саратов, 2006. -55 с.

<sup>2</sup>Боровский А.Б. Контроль как средство осуществления российской правовой политики :Общетеоретический аспект : Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Тамбов, 2007. -24 с

<sup>3</sup>Дьяконов В. В. Контроль и надзор в системе функций государства(теоретический аспект) :Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М., 2006. -18 с

<sup>4</sup>Маштакова Е. А. Теоретико-правовые вопросы государственного контроля в Российской Федерации :Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Волгоград, 2000.-28 с

<sup>5</sup>Смирнов А.Ф. Организационно-правовые факторы оптимизации управления в органах прокуратуры Российской Федерации...дисс. на соискания. д-ра юрид. наук: М.1997 291 с

баҳолаш учун **KPI (асосий кўрсаткичлар)** баҳолаш методологиясини изоҳлаш ва амалиётга татбиқ этиш;

- хорижий тажрибадан ва миллий амалиётдан келиб чиқиб, ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарурати ва бунинг учун қилинадиган ишлар асослаб берилган.

#### **Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг тавсифи.**

Тадқиқот давомида илмий билишнинг қиёсий таҳлил, тарихий таҳлил, мантиқий (анализ, синтез), тизимли-функционал таҳлил усулларида кенг фойдаланилди ҳамда мавзуга доир статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали олинган маълумотлар ҳам қўлланилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган хулосалар прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолашда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан “Прокуратура тўғрисида” қабул қилинган қонунни, Бош прокурорнинг идоравий ҳужжатлари ва бошқа соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратади. Ишда илгари сурилаётган таклифлар прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, прокуратура органларида бошқарувни демократлаштириш ва ошкораликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Иш тузилмасининг тавсифи.**

Мазкур илмий-тадқиқот иши кириш, 3 та боб, 6 та параграфни ўз ичига олган асосий қисм ҳамда хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, магистрлик диссертацияси Ўзбекистон

Республикаси Бош прокуратураси Академиясида белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилди.

# **I БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Прокуратура органларининг фаолият самарадорлигини оширишда ходимлар меҳнатини баҳолашнинг аҳамияти ва зарурати**

Ташкилотларда ходимларни мунтазам ва тизимли баҳолаш инсон ресурсларини бошқаришнинг муҳим элементиدير, чунки баҳолаш ходимлар билан ишлашнинг турли йўналишлари бўйича асослантирилган **қарорларни** қабул қилиш имкониятини беради. Шу жиҳатдан, ходимларни баҳолаш тизимини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Ходимларни баҳолаш - бу номзоднинг хусусиятларини ёки ходимни маълум бир стандартлар билан таққослаш демакдир.**

Ходимларни баҳолашнинг асосий моҳияти ходимнинг ишлаш самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлиб, бу олинган кўрсаткичларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини, шунингдек унинг **шахсий ва касбий** хусусиятлари ва салоҳиятини баҳолашга имкон беради.

Ташкилотларда баҳолаш фаолиятини олиб боришда ходимларни баҳолашнинг қуйидаги тамойилларини ҳисобга олиш керакдир.

\* **Объективлик** - натижаларни талқин қилиш шахсий ёки алоҳида фикрларга боғлиқ бўлмаслиги керак.

\* **Ишонччилик** - ходим ўз олдига қўйилаётган вазифаларни қай даражада удалай олаётгани, унинг ҳақиқий илмий ва касбий салоҳияти даражасини баҳолаш керак.

\* **Таҳлилий** - баҳолаш натижалари ходимнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришни таҳлил қила олиш имкониятини яратиб бериши ва уни амалга ошириш ташкилотнинг ривожланишига ҳисса қўшиши керак.

\* **Очиқлик** - баҳолаш жараёни ва баҳолаш мезонлари баҳоловчилар, кузатувчилар ва **баҳоланувчиларнинг** ўзлари учун тушунарли бўлиши керак.

Шунингдек, ходимларни баҳолаш жараёнининг асосий элементларини аниқлаб, кейин баҳолаш ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунга кўра:

1. Баҳолаш объекти - **баҳоланаётган ходим.**
2. Баҳолаш субъекти - **баҳоловчи**
3. Баҳолаш предмети - **бу ходим фаолиятининг натижалари, унинг хулқ-атвори, ишбилармонлик ва шахсий фазилатлари бўлиши мумкин.**
4. Баҳолаш воситалари - **метод ёки усуллар.**

Баҳолаш объекти алоҳида ходимлар ёки маълум бир белгиларга қараб ажратиб олинган ходимлар гуруҳи бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчи ходимларнинг иш натижаларини баҳолаш қийин эмас, чунки уларнинг ишларини миқдорий ва сифат натижалари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки хизматлар миқдори ва уларнинг сифати билан ифодаланади. **Бошқарувчилар ва мутахассисларнинг** иш натижаларини баҳолаш эса бир мунча қийинроқ, чунки уларнинг иши асосан **ақлий фаолият** билан боғлиқ бўлиб, иш натижаларини тўғридан-тўғри аниқлаш қийин ва кўпинча улар дарҳол эмас, балки маълум вақт ўтганидан кейин намоён бўлади. Шу жиҳатдан, **прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини баҳолашда** ҳам бир мунча қийинчиликлар мавжуд, чунки улар фаолиятидан кўзланган мақсад **қонун устуворлигига эришиш ва қонунийликни таъминлашдан** иборатдир. Бироқ, бу мақсадларга эришиш, албатта, маълум вақт талаб қилади.

Баҳолашда ходимларни баҳолаш тартиби, мақсадлари, вазифаларини аниқлаб олиш долзарб аҳамият касб этади.

Ходимларни баҳолаш тартиби қуйидаги жараёнлар орқали амалга оширилади:

1. Баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
2. Баҳолаш объекти, субъекти ва предметини аниқлаш.
3. Баҳолаш мезонларини (асосий параметрларни) ўрнатиш.
4. Баҳолаш воситалари ва усулларини танлаш.
5. Баҳолашни амалга ошириш.
6. Баҳолаш натижаларини олиш (шу жумладан олинган маълумотларнинг архивини яратиш).
7. Олинган маълумотларнинг таҳлили.
8. Баҳолаш натижалари асосида ишдаги ўзгаришларга қаратилган чора-тадбирлар.

Шундай қилиб, ходимларни баҳолаш натижалари ташкилот раҳбариятига ходим фаолиятини такомиллаштириш ва унинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ва охир-оқибат ташкилотнинг самарали ишлаши ва ривожланиши билан боғлиқ кейинги фаолиятни амалга оширишга имкон беради.

Асосан, ташкилотларда қуйидаги мақсадларга эришиш учун ходимлар фаолияти баҳоланади.

### **1. Маъмурий.**

### **2. Ахборот.**

### **3. Мотивацион.**

Маъмурий мақсад шундан иборатки, раҳбарият томонидан ходимларнинг иш фаолиятини баҳолаш натижаларига кўра оқилона **маъмурий қарорлар қабул қилинади** (масалан, ходимни лавозимга қўтариш ёки ишдан бўшатиш, уни малака ошириш учун юбориш ва бошқалар).

Ахборот мақсади шуни кўрсатадики, ходимлар, шу жумладан, бошқарув органи баҳолаш натижалари асосида **объектив ва ишончли** маълумотларни олишлари керак. Бундай ахборотлар ходимларга ўз фаолиятини такомиллаштиришда ёрдам бериши мумкин ва раҳбариятга тўғри **бошқарув қарорларини** қабул қилиш имкониятини беради.

Мотивацион мақсад эса ходимларни баҳолаш уларни рағбатлантиришнинг энг муҳим воситаси эканлигида намоён бўлади. Шунингдек, баҳолаш юқори даражадаги **профессионал кўрсаткичга** эга бўлган ходим билан ёмон натижаларни қайд этувчи ходимга бир хил маош тўлаш тизимидан қочишга ёрдам беради.

Шунингдек, ходимлар фаолиятини баҳолашдан асосий кўзланган мақсадлар мавжуддир. **Ходимларни баҳолашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:**

- \* ходимларни рағбатлантириш;
- \* нолойиқ ходимларни юқори лавозимларга номзод сифатида кўрсатиш хавфини камайтириш;
- \* ходимлар билан уларнинг иш сифати тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини муҳокама қилиш;
- \* ходимлар ўртасида барқарор адолат туйғусини яратиш ва ишчанлик мотивациясини ошириш;
- \* кадрларни касбий тайёрлаш ва ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- \* кадрларни қайта тайёрлашга сарф этиладиган ҳаражатлар мидорини аниқлаш.

**Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, баҳолаш ўтказилаётганда унинг субъектлари аниқланади.**

Ходимларни баҳолашнинг анъанавий субъектлари рўйхати қуйидагилардан иборат:

- Раҳбарият.
- Ходимларни бошқариш хизмати ходимлари.
- Ҳамкасблар.
- Бўйсунувчи ходимлар.
- Мустақил экспертлар.
- Баҳоланаётган шахснинг ўзи.

Ишончли, объектив баҳолаш натижаларини олишда субъектлар муҳим ўрин тутди. Ҳар бир субъект ўзига хос хусусиятларга эга ва ходимларни баҳолаш тартибини ўзига хос тарзда бойитади. Масалан, раҳбар ўз бўйсунувидаги ходимларнинг иш самарадорлигини яхши билади, у ходим билан доимий равишда алоқада бўлганлиги сабабли, унинг фаолияти ва салоҳиятини тўғри баҳолай олади.

Ходимларни бошқариш хизмати ходимлари баҳолаш масалалари бўйича билим ва малакага эга бўладилар, баҳолаш маълумотларини қайд этиб боришни ташкил қиладилар.

Ҳамкасблар эса ходим билан расмий ва норасмий муносабатларда бўлиб, унинг фазилатлари ва ишлаш натижаларига қўшимча кўп қиррали маълумотларни бера оладилар.

Баҳоланаётган ходимнинг қўл остида ишлаётган ходимларнинг баҳолашдаги иштироки эса раҳбарнинг етакчилик услуби, бўлинма ишини ташкил этиш қобилияти, бўйсунувчилар билан муносабатлари каби фазилатларини ёритиш имконини беради.

Мустақил экспертларга баҳоланаётган ходим билан бевосита боғлиқ бўлмаган шахслар киради, масалан, “сирли харидор” - уларнинг меҳнат маҳсулотларини истеъмолчиси (*прокуратура органлари тизимида, асосан, мурожатчилар ОАВ*) бу сизга ходимнинг мижозларга хизмат кўрсатиш стандартларига мувофиқлигини баҳолашга имкон беради.

Баҳолаш жараёни малакали баҳолаш субъектлари томонидан амалга оширилиши керак, бу субъективликни минималлаштиради ва бир қатор хатоларнинг олдини олади.

**Шунга қарамасдан, амалиётда ходимларни баҳолашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларга тўхталиб ўтсак:**

- баҳоловчининг ўзи учун аҳамиятли бўлган, умумий баҳолашга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган ходимнинг бир сифатига юқори даражада аҳамият бериш;

- ходимнинг шахсий ёки бошқа хусусиятларини (жинси, ёши, оилавий аҳволи ва бошқалар) унинг иш натижаларидан юқори баҳолаш;

- ходим ишининг фақат охири даври (масалан, бир ҳафта) раҳбар хотирасида **ижобий ҳолат** сифатида қолиши ва баҳолаш пайтида қолган даврлар у томонидан кўриб чиқилмаслиги;

- баҳоловчининг ходимнинг ўзига хос хусусиятларига ўхшаш хусусиятларини таъкидлаш тенденцияси.

Юқоридаги хатоларнинг олдини олиш учун баҳолаш субъектларининг зарур билим ва малакаларга эга бўлиши муҳимдир, бундан ташқари, амалда кўпинча бир нечта баҳоловчилар иштирокида **комбинацияланган** баҳолаш афзал ҳисобланади.

**Ходимлар фаолиятини баҳолашда баҳолаш мезонлари, баҳолаш усуллари**нинг таснифи ишлаб чиқилиши лозим.

Ходимларни баҳолаш мезони - бу ходимнинг иш фаолияти баҳоланадиган асосий параметрлардир (иш, хулқ-атвор, шахсий кўрсаткичлар ва хусусиятлар).

Ходим учун аниқ ва натижага йўналтирилган мезонларнинг етишмаслиги холис баҳолашга, шунингдек **етарли даражада малакали бўлмаган** ходимларни рағбатлантириш тизими билан боғлиқ муаммоларга олиб келади.

Айрим сабабларга кўра ажратилган баҳолаш мезонларининг турларини ўрганиш ҳам баҳолашда зарурий мезон ҳисобланади.

1. Умумий ташкилий ва ихтисослашган.
2. Миқдорий ва сифат.
3. Об'ектив ва субъектив.
4. Оддий ва интеграл.

Ташкилий мезонлар ташкилотнинг барча ходимларига (*масалан, ходим томонидан вазифаларни бажаришнинг тўлиқлиги*), ихтисослаштирилган мезонлар эса маълум бир иш жойига ва фаолият турига мос келадиган ходимларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Миқдорий мезонлар ходимнинг эришган натижаларини тавсифлайди ва сифат мезонлари унинг индивидуал хусусиятларига ва иш сифатига таъсир қилади.

Объектив мезонлар - бу деярли ҳар қандай иш учун ўрнатилиши мумкин бўлган сифат ва маҳсулдорлик стандартлари.

Субъектив мезонлар - бу экспертларнинг фикрлари ва баҳолари асосида баҳоланадиган кўрсаткичлар ва хусусиятлардир.

Оддий мезонлар - меҳнат унумдорлиги даражасини баҳолашга имкон беради.

Интеграл мезон - битта кўрсаткичда ишнинг турли хил хусусиятларини ва иш хусусиятларини баҳолаш натижасида олинган маълумотларни ҳисобга олиш имконини беради.

Муайян мезонларни танлаш баҳоланаётган ходимларнинг тоифаларига ва натижалардан қандай фойдаланиш кераклигига, яъни баҳолаш мақсадларига боғлиқ.

Баҳолаш мезонлари аниқлангандан сўнг, тўғри баҳолаш усулларини танлаш керак. **Усул - бирор нарсани назарий тадқиқ этиш ёки амалга ошириш услуги ҳисобланади.**

Шундай қилиб, ходимларни баҳолаш усуллари - бу ходим ёки лавозимга даъвогар номзодни баҳоловчи усул бўлиб, уларнинг фаолияти натижалари, хулқ-атвори, касбий ва шахсий хусусиятлари мавжуд стандарт билан таққосланади.

Амалда ходимларни баҳолашнинг турли хил усуллари мавжуд, аммо ҳар бир ҳал қилинган вазифа ва кадрлар билан боғлиқ фаолият учун ўзига хос баҳолаш воситалари тўплами танланади.

Кейинги навбатда турли хил асосларда гуруҳланган ходимларни баҳолаш усулларининг таснифини кўриб чиқамиз.

**1. Предметига кўра баҳолаш усуллари қуйидаги турларга ажратилади:**

\* Ходимнинг ишбилармонлик ва шахсий фазилатларини баҳолаш;

- \* Иш натижаларини баҳолаш;
- \* Иш вазифаларининг бажарилишини баҳолаш.

**2. Субъектга нисбатан қуйидаги усул турлари ажратилади:**

- \* Жисмоний шахс;
- \* Гуруҳ.

**3. Баҳолаш объектига кўра қуйидаги усул турлари ажратилади:**

- \* Менежерлар фаолиятини баҳолаш;
- \* Ижрочилар фаолиятини баҳолаш.

**4. Ўтказиш шаклига кўра қуйидаги усул турлари ажратилади:**

- \* Анъанавий;
- \* Ноанъанавий.

**5. Баҳолаш натижаларига кўра қуйидаги усул турлари ажратилади:**

- \* Сифатли (тавсифловчи);
- \* Миқдорий;
- \* Бирлашган.

Ҳар бир гуруҳга қайси асосий усуллар киритилганлигини кўрсатиб, сўнгги таснифни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

**1. Сифатли баҳолаш усуллари** - бу миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланмасдан ходимларнинг сифатини тавсифловчи усуллардир. Буларга қуйидагилар киради:

**Матрица усули** - ходимнинг ҳақиқий фазилатларини лавозим талаб қиладиган фазилатлар тўплами билан таққослашни ўз ичига олади.

**Эталон усули** - ҳақиқий маълумотларни ҳолат талаб қиладиган кўникмалар ва хатти-ҳаракатлар билан эмас, балки ушбу соҳадаги энг муваффақиятли ходимларнинг хусусиятлари билан таққослашни ўз ичига олади.

**Натижадорликни баҳолаш усули** - бу ходимларни баҳолаш усули бўлиб, унинг ёрдамида ходимнинг иши маълум вақт давомийлиги ёрдамида баҳоланади.

**Гуруҳ муҳокамаси усули** - бу маълум бир соҳадаги раҳбарлар ёки экспертлар гуруҳининг ходим билан ўз ишининг натижалари ва фаолиятининг истиқболлари тўғрисидаги суҳбати (муҳокамаси).

**2. Миқдорий баҳолаш усуллари** - етарли даражада объективликка эга бўлган ходимларнинг ишбилармонлик фазилатларини аниқлаш усули ҳисобланади, чунки баҳолаш натижалари рақамларда қайд этилади. Буларга қуйидагилар киради:

**Ранк усули** - маълум баҳолаш мезонлари асосида баҳоланаётган ходимларни энг яхшисидан энг ёмонига қадар тартиб билан ажратишдир, якуний балл ходим олган тартиб рақамлари йиғиндиси билан аниқланади.

**Эркин балл тўплаш усули** - менежер ёки эксперт томонидан ходимнинг ҳар бир сифатига маълум миқдорда балл белгилашни ўз ичига олади; якуний балл баллар йиғиндиси сифатида қўшилади.

**3. Комбинацияланган усуллар миқдорий жиҳатлардан фойдаланган ҳолда тавсифловчи усуллар тўпламидир.** Буларга қуйидагилар киради:

- Синов - бу ходимнинг олдиндан белгиланган вазифаларни ҳал қилиш даражасини баҳолаш.

- Якуний йиғиндиларни баҳолаш усули - мутахассислар томонидан ходимнинг ўзини кўрсата олиши, ҳар бир зарурий фазилатга эга эканлиги маълум бир балл билан баҳоланади ва якуний тўпланган умумий балл идеал баҳо билан таққослганда ўртача кўрсаткич келиб чиқади.

- Ходимларни гуруҳлаш усули - чекланган миқдордаги баҳолаш омилларини танлашни, бу омиллар бўйича ходимларни гуруҳларга тақсимлашни таъминлайди (*“ёмон малакали ходим”, “қониқарли малакали ходим”, “яхши малакали ходим”, “юқори малакали ходим”*).

Ушбу таснифдан келтирилган усуллар ходим ишининг фақат маълум бир томонини, унинг иши ва шахсий хусусиятларини ёки унинг имкониятларини баҳолашга имкон беради. Шу муносабат билан ходимларни баҳолашнинг мураккаб усуллари тез-тез қўлланилиб,

ходимларни энг объектив баҳолашга эришиш учун бир нечта усулларни синтез қилишга имкон беради.

### **5. Компетенция модели асосида ходимларни баҳолаш.**

Компетенция модели асосида ходимларни баҳолаш усулини тушуниш учун ходимларнинг компетентлиги ва унинг компетенцияси тушунчаларини кўриб чиқиш керак.

Компетентлик - бу меҳнат вазифаларини ҳал қилиш ва керакли натижаларига эришиш учун зарур бўлган қобилиятдир.

Компетенция - бу ходимнинг меҳнат вазифаларини муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган хулқ-атвордир.

Ушбу тушунчалар яқин ва ўзаро боғлиқ: компетент бўлиш учун сиз компетенцияга эга бўлишингиз керак.

Қуйидаги компетенция турлари ажратилади:

#### **1. Корпоратив.**

#### **2. Бошқарувчилик.**

#### **3. Функционал.**

Корпоратив компетенциялар ташкилотнинг мақсади ва кадриятларини қўллаб-қувватлайди.

Менежерларни баҳолаш учун бошқарув компетенциялари қўлланилади. Масалан, “стратегик қараш” ёки “одамлар билан ишлаш” каби ваколатлар.

Функционал (ёки professional) компетенциялар ходимнинг бевосита иш вазифаларини самарали бажариши учун зарурдир.

Компетенция тушунчасини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи “**компетенция модели**”ни таклиф қилиш бўлди.

**Компетенция модели** - бу ходимлар ўз ишларини муваффақиятли бажаришлари ва юқори натижаларга эришишлари учун зарур бўлган компетенциялар тўпламидир.

Шу билан бирга, бир модел ўз ичига қанча кўп компетенцияларни олса, уни қўллаш шунчалик қийин бўлишини ёдда тутиш лозим.

Компетенция модели инсонни қуйидаги йўналишларда тавсифлайди:

- **Vision (кўриш)** - стратегик ва тактик даражаларда фикрлаш қобилияти, прогноз қилиш ва муаммоларни олдиндан билиш қобилияти.

- **Action (ҳаракат)** - режалаштириш ва натижаларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилиш қобилияти.

- **Interaction (ўзаро ҳамкорлик)** - ишда энг яхши натижаларга эришиш учун бошқалар билан муносабатларни ўрната олиш қобилияти.

Бугунги кунга келиб, компетенцияларни шакллантиришда иккита энг кенг тарқалган ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув - олдиндан мавжуд бўлган компетенцияларга эга қатъий моделни ифодалайди. Унинг афзалликлари - мавжуд компетенциялар, мувозанат ва кўп қирралилик рўйхатидан танлаш орқали тезкор профиллаш имкониятидир.

Иккинчи ёндашув - муайян бир компания учун компетенцияларни ишлаб чиқишдир, у корпоратив модел деб ҳам аталади. Унинг афзалликлари -компетенцияларни маълум бир компаниянинг қадриятлари билан боғлаш, корпоратив руҳиятни акс этиши, ходимлар томонидан тез қабул қилиш. Қийинчилик сифатида улар компетенция модели компания стратегиясидаги ҳар қандай ўзгаришларга жавоб бериши зарурлигини таъкидлашади.

Компетенция профили (лавозим) - бу компетенция моделининг график тасвири, маълум бир позицияга нисбатан ваколатларнинг намоён бўлиш даражасининг рақамли таърифи.

Ташкилотдаги ходимларни баҳолаш инсон ресурсларини бошқариш жараёнида ҳал қилинадиган барча вазифаларни ҳисобга оладиган тизим сифатида қаралиши керак.

Ходимларни баҳолаш тизими ташкилотни бошқариш тизимидаги доимий жараён бўлиб, ходимларни бошқариш соҳасидаги деярли барча асосий иш йўналишлари билан ўзаро боғлиқдир.

Бундан ташқари, ташкилот ходимларини баҳолашнинг ягона тизимини ташкил этувчи баҳолаш фаолиятини (ёки элементларини) кўриб чиқиш зарур ҳисобланади. Булар қуйидагилар:

1) Ишларни таҳлил қилиш. Баҳолашни ушбу босқичдан бошлаш мантиқан тўғри бўлади, чунки бу сизга позициянинг энг муҳим хусусиятларини, иш мазмунини аниқлашга ва ходимнинг фаолияти ва унинг иш хатти-ҳаракатлари баҳоланадиган кўрсаткичлар ва стандартларни аниқлашга имкон беради.

2) Ходимларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш. Ушбу босқичда ташкилотнинг ходимларга бўлган эҳтиёжи ҳозирги пайтда ҳам, келажакда ҳам миқдорий ва сифат хусусиятлари жиҳатидан баҳоланади. Меҳнат бозоридаги вазиятни тўғри баҳолаш ва янги операцияларнинг мураккаблигини ҳисоблаш муҳимдир.

3) Ходимлар танлаш. Ушбу босқичда баҳолаш мавзуси номзоднинг иш берувчининг талабларига мувофиқлиги, унинг ушбу лавозимда ишлашга тайёрлиги даражаси ҳисобланади. Номзодни баҳолашда янги ходим танланадиган ваколатлар (лавозимлар) профилини яратиш муҳимдир, бу эса яроқсиз номзодни танлашда хато эҳтимолини камайтиради.

4) Ходимнинг жорий фаолиятини баҳолаш. Бу тайинланган вазифаларни бажариш тўғрисида маълумот тўплаш орқали ходимнинг ишини баҳолашнинг расмий тартиби. Унинг ишига, хулқ-атвориغا ва ишлашига муносабатини баҳолашга имкон берадиган усулларни ўз ичига олиши керак. Сўнгги пайтларда ҳар бир ходимнинг самарадорлигини акс эттирувчи миқдорий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни ўз ичига олган иш фаолиятини баҳолаш учун **KPI (асосий кўрсаткичлар)** баҳолаш методологиясидан тез-тез фойдаланилмоқда.

5) Ходимларнинг мартаба бошқаруви ва ходимларни ривожлантириш. Ходимнинг мартабасини бошқаришда унинг лавозимлар ёки иш жойлари тизими орқали мунтазам равишда горизонтал ва вертикал кўтарилишини режалаштириш ва ташкил этиш керак.

Шунинг учун ходим ташкилотда лавозимга кўтарилиш учун қандай кўрсаткичларга эришиши кераклигини билиши керак. Шундай қилиб, ушбу босқичда ишлаш кўрсаткичларини баҳолаш ходимнинг салоҳиятини аниқлашга ва янада мураккаб ва масъулиятли ишларни бажариш учун ўқув дастурини белгилашга имкон беради.

6) Кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш. Ходимларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш кадрлар захирасини шакллантириш ва уни тайёрлаш самарадорлигини аниқлаш учун асосдир. Ушбу босқичда кадрлар захирасига номзодларнинг ҳақиқий ютуқлари ва салоҳиятини баҳолаш, сўнгра ишлаб чиқиш ва ўқитиш дастурларини яратиш орқали зарур ваколатларга эришиш ва кўникмалар ҳамда қобилиятларни ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш керак.

7) Кадрлар тайёрлаш. Ходимлар билан ишлашнинг ушбу соҳаси олдинги босқичлар билан чамбарчас боғлиқ. Ходимларга етишмаётган зарур ваколатлар бўйича кўникма ва кўникмаларни англаганингиздан сўнг, компания уларнинг самарадорлигини янада аниқлаб, ривожланиш ва ўқитиш дастурларини яратиши керак.

8) Ходимларни рағбатлантириш. Ушбу босқичда баҳолаш ходимларнинг ишлаш натижаларига эришиш ва уларга ҳақ тўлаш ўртасида аниқ алоқани ўрнатиш орқали мотивацион тизимларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Баҳолаш ходимларнинг ташкилот томонидан белгиланган стандартлар ва талабларга жавоб бериш даражасини аниқлашга қаратилган ва шунинг учун улар баҳолаш мезонларини билишлари керак. Агар улар йўқ бўлса, ходимлар баҳолашнинг салбий оқибатларидан кўрқиб бошлайдилар ва натижада унга қарши турадилар.

Ходимларни мунтазам ва тизимли баҳолаш натижалари инсон ресурсларини бошқаришнинг муҳим элементиدير, чунки улар ходимларни танлаш, иш ҳақи, лавозимга кўтариш, ўқитиш, ривожлантириш, қисқартириш ва ишдан бўшатиш тўғрисида адолатли қарорларни қабул қилиш имкониятини беради.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, прокуратура органларида ҳам ходимлар фаолиятини баҳолаш тегишли мезонлар ва усуллар асосида олиб борилмоқда. Мазкур соҳани тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Бош **прокурорининг 2016 йил 29 августдаги 131-сонли буйруғи** билан тасдиқланган “Аттестация комиссиялари фаолияти ва аттестацияни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** талаблари асосида олиб борилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида аттестация комиссиялари фаолияти асосларини ҳамда ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

Низом талаблари доирасида аттестация **даврийлик, шаффофлик, холислик ва коллегиялик тамойиллари** асосида ўтказилади.

Даврийлик жиҳатдан олиб қаралганда, прокуратура органлари ходимлари **уч йилда бир** маротаба аттестациядан ўтказилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан муайян муддатга тайинланган прокурорлар **беш йилда бир** маротаба аттестациядан ўтказилади.

Шу билан бирлагикда, аттестациядан ўтказиш жадвалига киритилган ва аттестация ўтказилишига қадар бошқа лавозимга тайинланган ходим, лавозимга тайинланганидан **бир йилдан сўнг** навбатдаги аттестациядан ўтказилади. Бу ҳолатда аттестацияда ходимнинг янги лавозимдаги хизмат фаолияти баҳоланади. Прокуратура органлари иш ўрганувчилари қоида тариқасида, **бир йиллик иш ўрганиш муддати** тугаши билан аттестациядан ўтказилади.

Бундан ташқари, прокуратура органларида **муддатдан олдин аттестация ўтказиш амалиёти** ҳам мавжуд ҳисобланади. Муддатдан аввал аттестация ўтказишга:

*– ходим хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаётганлиги, хизмат ёки хизматдан ташқари вақтда номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этганлигининг аниқланганлиги;*

*– Департамент ходимига хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ҳужжатли текшириш ва тафтиш ўтказиш ваколатини бериш зарурияти;*

*– хизмат тақозо этган бошқа ҳолатларнинг юзага келганлиги асос бўлади.*

Бироқ, мазкур ҳолатда ҳам ходимларга **очиқлик таъминланган** ҳолда муддатдан аввал аттестациядан ўтказиш жойи ва санаси ҳақида ходим камида **ўн кун олдин** хабардор этилади.

Низом талабларидан келиб чиқиб, Прокуратура (шунингдек, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти) органларида тўрт хил аттестация комиссиялари фаолият кўрсатади. Булар:

– **Бош прокурор** томонидан тасдиқланадиган, **камида етти нафар** ходимдан иборат Бош прокуратура аттестация комиссияси;

– Департамент бошлиғи тақдимномасига асосан **Бош прокурор** томонидан тасдиқланадиган, **камида етти нафар** ходимдан иборат Департамент аттестация комиссияси;

– **вилоят прокурорлари** томонидан тасдиқланадиган, **етти нафар** ходимдан иборат вилоят прокуратуралари аттестация комиссиялари;

– Департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаларига асосан **Департамент бошлиғи** томонидан тасдиқланадиган, **етти нафар** ходимдан иборат Департаментнинг ҳудудий бошқармалари аттестация комиссияларидир. Амалдаги низомга кўра, аттестация комиссияларига прокуратура ва Департамент органлари раҳбарларининг (биринчи) ўринбосарлари раислик қилади ҳамда уларнинг таркибига прокуратура ва Департамент органларининг **ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси бошлиқлари** киритилади. Шунингдек, аттестация комиссиялари масъул котиблари кадрлар тармоқлари ходимлари орасидан тайинланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баҳолашнинг юқори даражада ташкил этилиши зарурлиги сабабли аттестация комиссияси аъзолигига **тажрибали, малакали ходимлар** киритилади.

Прокуратура органларида аттестация ўтказиш тартиби бошқа ташкилот ва муассасалардан бир мунча фарқ қилади. Ходимни аттестациядан ўтказиш учун аттестация варақаси тузилади.

Аттестация варақаси ходимнинг **касбий, шахсий ва ишчанлик фазилатлари ҳамда хизмат фаолиятини ўрганиш асосида тузилиб**, тегишли аттестация комиссиясига юборилади.

Аттестация варақаси аттестациядан ўтказиладиган ходимга ёзма равишда таништирилади. Ходим аттестация варақасидаги маълумотларга эътироз билдирган тақдирда, аттестация комиссиясига мурожаат қилиши ва комиссия мажлисига қадар қўшимча маълумотлар тақдим этиши мумкин.

Ходимларни аттестация қилиш учун хулоса олиш мақсадида аттестациядан ўтказиладиган ходимлар рўйхати аттестация ўтказилишидан **бир ой олдин** махсус текширув учун тегишлилигига кўра Бош прокуратуранинг ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси, вилоят прокурорларининг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчилари, Департаментнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича инспекцияси, Департаментнинг ҳудудий бошқармалари ички хавфсизликни таъминлаш бўйича катта инспекторларига тақдим этилади. **Махсус текширув натижалари юзасидан маълумотнома аттестация комиссияси раисига тақдим этилади.**

Атестация жадвалига мувофиқ, масъул котиб мажлис кун тартиби, жойи ва вақти ҳақида аттестация комиссияси аъзоларини, аттестациядан ўтувчиларни ҳамда бошқа ходимларни мажлис ўтказилишидан **беш кун** аввал хабардор қилади. Мазкур қонданинг мавжудлиги ҳам хлдимлар фаолиятини баҳолашнинг **шаффоф тарзда амалга** оширилишидан далолат беради.

Шунингдек, иш ўрганувчилар аттестациядан ўтаётганда, комиссия мажлисида уларнинг **мураббийлари иштирок** этиши мумкин. Аттестация даврида мураббийлар аттестациядан ўтувчининг **касбий, шахсий ва ишчанлик қобилиятлари** ҳақида ўз фикрини баён қиладилар.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аттестация комиссияси аттестациядан ўтказиладиган ходимнинг **назарий ва касбий тайёргарлиги даражасини ҳамда хизмат фаолиятини** баҳолайди. Шунингдек, аттестация жараёнида ходимларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмалари баҳоланиши шарт. Ходимлар фаолияти тегишли мезонлар асосида баҳолангандан сўнг аттестация комиссияси томонидан ходимни (иш ўрганувчидан ташқари) аттестациядан ўтказиш якуни ч хил қарор қабул қилинади. Булар:

**а) “Ходим эгаллаб турган лавозимига лойиқ”.**

Бунда ходим аттестациядан муваффақиятли ўтган ҳисобланади;

**б) “Ходим эгаллаб турган лавозимига етарли даражада лойиқ эмас”.**

Бунда ходим аттестациядан шартли равишда ўтган ҳисобланади ва унга олти ойгача синов муддати белгиланади.

Синов муддати тугагач, ходим қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда натижасига кўра уни эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқлиги ҳақида қарор қабул қилинади;

**в) “Ходим эгаллаб турган лавозимига нолайиқ”.**

Бунда ходим аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ва ваколатли раҳбар томонидан эгаллаб турган лавозимидан **озод қилинади ҳамда уни қуйи лавозимга ўтказиш ёхуд прокуратура ёки Департамент органларидан бўшатиш масаласи ҳал қилинади.**

Иш ўрганувчини аттестациядан ўтказиш якунида аттестация комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

**а) “Иш ўрганиш дастурини бажарган, мустақил ишга тайёр ва дастлабки даражали унвонга муносиб”.**

Бунда ходим лавозимга тайинланиб, дастлабки даражали унвонга тавсия этилади;

**б) “Иш ўрганиш дастурини бажарган, мустақил ишга тайёр”.**

Бундай қарор даражали унвонга эга бўлган иш ўрганувчиларга нисбатан қабул қилинади;

**в) “Иш ўрганиш дастурини тўлиқ бажармаган ва мустақил ишга тайёр эмас”.**

Бунда иш ўрганувчига олти ойгача муддат белгиланиб, муддат тугаши билан қайта аттестация ўтказилади. Аттестация комиссияси томонидан иш ўрганиш дастури тўлиқ бажарилмаганлиги ва мустақил ишга тайёр эмаслиги ҳақида такроран қарор қабул қилинган тақдирда, иш ўрганувчи **прокуратура органларидан бўшатилади.**

Шунингдек, аттестация комиссиялари ходимни статуси ва уни рағбатлантириш оид бўлган қарорлар ҳам қабул қилиши мумкин. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- *ходимни рағбатлантириши;*
- *ижобий иш тажрибасини оммалаштириши;*
- *прокуратура ва Департамент органларида хизматда бўлишининг чекланган ёшига етганлиги муносабати билан хизматда қолдириши ёки бўшатиши;*
- *ходимни ротация қилиши;*
- *юқори, кенг ҳажмли ва раҳбар лавозимлар захирасига киритиши ёки айнан шу лавозимлардан бирига тайинлаш;*
- *шахсий устама белгилаш;*
- *муддатидан аввал ёки навбатдан ташқари даражали унвонга ёхуд эгаллаб турган лавозими учун белгиланган унвонга нисбатан юқори даражали унвонга тақдим этиши;*
- *Департамент органлари ходимларига хўжалик юритувчи субъектларда ҳужжатли текшириши ва тафтиши ўтказиши ваколатини бериши ёки олиб қўйиши;*

*– ходимнинг фаолият самарадорлиги ва касб маҳоратини оширишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида ҳамда мажлис муҳокамасига киритилган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниши мумкин.*

Аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар якуний аҳамият касб этмасдан ходим аттестация комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда, тегишли вилоят прокурори, Департаментнинг худудий бошқармаси ёки Департамент бошлиғига ёхуд Бош прокурорга шикоят қилиши имкониятига эга ҳисобланади.

Бироқ, Бош прокурорнинг ушбу масаладаги қарори ҳал қилувчи ва қатъий кучга эга ҳисобланади.

Аттестация комиссияси фаолияти бўйича таҳлил олиб борадиган бўлсак, 2021 йилда прокуратура органларида аттестация комиссияларининг тутган ўрни ва аҳамияти кучайтирилиб, **асосий эътибор аттестацияларнинг холисона ўтказилишига, ходимлар фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларга танқидий жиҳатдан баҳо берилишига** қаратилган.

Хусусан, 2021 йилда прокуратура, Департамент ва Бюро органлари аттестация комиссиялари томонидан жами **2 434** нафар ходим аттестациядан ўтказилиб, уларнинг **2 282** нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқ, **138** нафари етарли даражада лойиқ эмас деб топилиб, синов муддати берилган бўлса, **14** нафари эгаллаб турган лавозимига нолайиқлиги ҳақида хулоса қилинган.

Шу жумладан, Бош прокуратура аттестация комиссиясида аттестациядан ўтказилган **274** нафар прокуратура ходимларининг **271** нафари эгаллаб турган лавозимига лойиқ, **3** нафари етарли даражада лойиқ эмаслиги ҳақида хулоса қилиниб, синов муддати берилган.

Қуйи прокуратуралар аттестация комиссияларида **839** нафар ходим аттестациядан ўтказилиб, уларнинг **797** нафари эгаллаб турган лавозимига

лойик, **41** нафари етарли даражада лойик эмас, **1** нафари ношойиклиги хақида хулосага келинган.

Департамент ва унинг худудий бошқармалари аттестация комиссияларида **262** нафар ходим аттестациядан ўтказилиб, уларнинг **238** нафари эгаллаб турган лавозимига лойик, **20** нафари етарли даражада лойик эмас, **4** нафари эгаллаб турган лавозимига ношойик деб топилган.

Бюро ва унинг худудий бошқармалари аттестация комиссияларида **1 059** нафар ходим аттестациядан ўтказилиб, уларнинг **976** нафари эгаллаб турган лавозимига лойик, **74** нафари етарли даражада лойик эмас, **9** нафари эгаллаб турган лавозимига ношойик деган тўхтамга келинган.

Ўтган йилда Аттестация комиссияларида жами **138 нафари** синов муддати олган бўлсада, Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари прокуратуралари, Бюронинг Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари бошқармалари ҳамда Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари худудий бошқармаларида **бирорта ҳам ходим лавозимига етарли лойик эмас деб топилмаганлиги аниқланган.**

Ёки, мазкур даврда аттестациядан ўтган ходимларнинг касб-маҳорати ҳамда малакасини ошириш мақсадида жами **209 та** якка тартибдаги топшириқ берилиши ташкиллаштирилган бир пайтда, Тошкент вилояти Тошкент шаҳар Самарқанд вилояти Қорақалпоғистон Республикаси аттестация комиссиялари томонидан мазкур ваколатдан етарли даражада фойдаланилмаганлиги оқибатида Республика кўрсаткичидан пастлигича қолган.

**Хулоса ўрнида,** Ҳар бир ташкилотда ходимлар фаолиятини адолатли, шаффоф ва тизимли асосда баҳолаб борилиши, мазкур тизимда меҳнат унумдорлигининг ошишига, ходимлар билим ва малакасини оширишга, уларни касбий маҳоратини юксалтириш учун зарурий ҳамиятга эга ҳисобланади.

## **1.2. Давлат хизматчисининг компетенцияси тушунчаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ходимлар компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асослари ва йўналишлари**

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини бирга қўшиб олиб бориш амалиётидан воз кечиш, **давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг** меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, **давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётганлигига**, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга номувофиқлигига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг пастлигига олиб келаётган бир қатор **tizimli muammolar va kamchiliklar** сақланиб қолмоқда.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг **ish samaradorligi va kompetentsiyasini baholovchi mezonlarini**, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун ишлаб чиқиш белгиланган эди.

2022 йил 28 май куни Олий Мажлис Сенатининг 26-ялпи мажлисида “**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**”ги қонун сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Ҳозирда қонунни давлат раҳбари томонидан имзолаш ва расмий эълон қилиш қолди, холос.

Бироқ, Қонун қабул қилингунга қадар, давлат хизматини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2019 йил 3 октябрдаги **ПФ-5843-сонли Фармон**<sup>1</sup>и қабул қилинган эди.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** ташкил қилинди ҳамда у давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул орган этиб белгиланди.

Шунга қарамасдан Фармонда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги** хизмат давлатнинг **махсус хизмати** ҳисобланиши ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгилаб қўйилди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-5843-сонли** Фармони фуқароларни прокуратура органларига хизматга қабул қилишга, ходимлар фаолиятининг **самарадорлиги ва компетенциясини баҳолашга оид нормаларни белгилаб бера олмайди**. Чунки прокуратура органларида хизмат қилиш махсус хизматлар қаторига киради. Бироқ, Фармонда белгиланган айрим масалаларни **прокуратура органлари кадрлар тизимида** жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида **энг муносиб ва қобилиятли шахсларни** прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳамда **уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия** тамойилини қўллаш;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон.

кадрлар малакасини мунтазам **ошириб бориш**, прокуратура органлари ходимлари учун хизмат карьерасининг лавозим поғоналаридан босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи **“карьера модели”**ни жорий этиш;

номзоднинг барча фазилатлари ва устунликларини, шу жумладан унинг **маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларини объектив баҳолаш имконини берадиган очиқ мустақил саралаб олиш** тизимини яратиш;

республика, тармоқ ва ҳудудий даражаларда **профессионал тайёрланган самарали кадрлар захирасини шакллантириш**;

прокуратура органлари ходимларини **бошқаришда** ва инсон ресурсларини **ривожлантириш соҳасида** замонавий **ахборот - коммуникация технологияларини** жорий этиш;

ходимлар учун **ижтимоий кафолатлар**, шунингдек, уларни ўз касб маҳоратини ва фаолият самарадорлигини ошириш учун рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш.

**Фикримизча**, юқоридаги вазифаларни прокуратура органларида тўлиқ жорий этиш орқали малакали кадрлар тизимини шакллантириш ва хизматни **янада такомиллаштиришга** эришиш мумкин.

Шу ўринда давлат хизматчиси фаолиятининг таркибий қисми сифатида **компетенцияларнинг** мазмуни ва назарий асосларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада фанда турлича ёндашувлар шаклланганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, бу борада мамлакатимиздаги олимлардан А.Холовнинг фикрича, шаклланган ва маълум меъёр даражасида намоён бўлувчи касбий билим, малака, тажриба ва мотивациянинг мураккаб, яхлит шакли **компетенция** деб аталади ва маълум жиҳатдан инсоннинг касбий етуклигини англатади.

Олимнинг қайд қилишича, **давлат хизматчисининг касбий компетенциясини куйидагиларни қамраб олади:**

билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбий фаолиятига тегишли вазифаларини бажариш ва масалаларини ечишда муваффақиятли **фаолият юритиш қобилияти;**

ўз соҳасини **мукамал билиши;**

ўз соҳасига **янгилик киритиш;**

ўз устида ишлаши, ўзини **танқидий баҳолаш**<sup>1</sup>.

Мамлакатимиздаги яна бир таниқли олим Р.Самаровнинг фикрича, **компетентлик** бошқарув жараёни билан узвий боғлиқдир.

Олимнинг қайд қилишича, давлат хизматчисининг компетентлиги куйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

**мотивацион компонент** – ишлаб чиқаришда инновацияларни татбиқ этишда тайёр туриш;

**когнитив компонент** – касбий фаолиятда янгича ёндашувлар, соҳага оид янгиликларни амалиётда татбиқ этиш технологияларини ўзлаштириш;

**операционал компонент** – касбий фаолиятда илм-фан ва технология соҳасига оид янгиликларни жорий этиш;

**рефлексив компонент** – ходимни ўз касбий фаолиятини онгли таҳлил қилиш, жараёнлар таҳлилининг амалга ошириш, фаолият босқичларининг танқидий идрок этиши<sup>2</sup>.

МДХдаги олимлардан С.М.Климовнинг фикрича, давлат хизматчиларининг **компетентлиги ва фаолият самарадорлигини** баҳолаш инсон капиталининг таркибий қисмларининг ташкил қилади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>Холов А. Давлат бошқарувида “ақли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш масалалари//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019 yil. 105-106 betlar.

<sup>2</sup>Самаров Р. Миллий кадрлар сиёсати тизимида раҳбар кадрлар:компетенциявий ёндашув//“Давлат хизмати тизимининг ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. – Тошкент. 2019. 143-бет.

<sup>3</sup>Климов С.М. Интеллектуальные ресурсы общества. – СПб. : ИВЭСЭП, Знание, 2002. – 199 с.

Айтиш лозимки, бугунги кунга келиб инсон ва унинг қобилиятлари, билим, малакаси ҳар қандай жамият фаровонлиги ва давлатнинг иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланди.

“Инсон капитали” назариясининг шаклланиши **XX асрнинг 60-йилларига** тўғри келсада, унинг илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади.

Мисол учун Вавилон подшоҳи Хаммурапи (мил.ав. 1792-1750 й) нинг қонунлар кодексига ёлланма меҳнат муносабатлари, ёлланма ишчига ҳақ тўлаш ва унинг миқдори, ишлаб чиқарувчи шахсларни қонунан муҳофаза қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган<sup>1</sup>.

Инсон капитали мустақил назария сифатида 1960-йилларда Чикаго университети профессорлари Т.Шульц ва Г.Беккер томонидан шакллантирилди.

**Беккернинг фикрича**, инсон капитали ҳарбир инсонда мавжуд бўлган билим, малака ва мотивациялар захирасидир.

Инсон капитали таълим, ишлаб чиқаришда тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх ва даромад ҳақида маълумотларни тўплашга харажатлар шаклидаги инсонга **инвестициялар** (узок муддатли капитал қўйилмалар) йўли билан шаклланади<sup>2</sup>.

Бу борада баъзи олимлар инсон капиталини “ҳар бир кишида мавжуд билим, қобилият ва мотивациялар захираси” сифатида талқин қилишади<sup>3</sup>.

Умуман олганда инсон каптали бўйича барча фикрларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин.

**Биринчисига** инсон капитали бу ишчининг барча ишлаб чиқарувчанлик сифатлари йиғиндисидир деган фикр хосдир. Л.Туроунинг фикрича, инсон капитали деганда “индивиднинг товар ва

---

<sup>1</sup>Акрамова Ш.Г.Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар// **Иқтисод ва молия/ Экономика и финансы. Т. № 10, 2011. 54 б**

<sup>2</sup>Экономика народного образования. Учебник для студентов педвузов. Под. ред. Костянина С. Л. 2 – е издание. М., 1986.с.314

<sup>3</sup>Общество и экономика . 1993, № 9 – 10.с.4

хизматлар яратиш қобилияти”, “унинг ишлаб чиқарувчанлик қобилиятлари ва билимлари” тушунилади<sup>1</sup>.

У.Боуеннинг фикрича эса, инсон капитали инсонларга берилган ва маълум вақт мобайнида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган билим, малака, мотивация ва энергиялар йиғиндисини қамраб олади<sup>2</sup>.

С.Фишер, Р.Дорнбуш, К.Шмалензиларнинг фикрича, инсон капитали “Инсонда ўз аксини топган даромад олиб келиш ўлчовидир”<sup>3</sup>.

Ф.Махлупнинг фикрича, “Инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятини кўпайтирувчи инвестициялар натижасида янада самарадор бўладиган мукамал меҳнатдан номукамал меҳнатни ажратиш керак. Бундай мукамаллашув инсон капиталини ташкилэтади”<sup>4</sup>.

С.А.Курганскийнинг фикрича, инсон капитали инсон томонидан тўпланган ва инвестиция натижасида шаклланган қобилият ва сифатлар ўлчови бўлиб, улардан мақсадли фойдаланиш меҳнат самарадорлигининг ва даромаднинг ошишига олиб келади<sup>5</sup>.

Ўзбек олимларидан Ш.Ақромова ҳам инсон капиталининг меҳнат муносабатлари жараёнидаги ўрнини таҳлил қилган ҳолда, у билан боғлиқ бўлган ишчи кучи тушунчасини ёритиб берган. Бу борада унинг фикрича, ишчи кучи иқтисодий категория сифатида инсоннинг меҳнатга бўлган барча жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятларининг йиғиндисини ифодалайди<sup>6</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “**салоҳият**”ни ҳозирча амалга ошмаган меҳнат қобилиятлари сифатида ифодалашимиз мумкин. **Инсон капитали** ундан фарқли равишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг реал

---

<sup>1</sup>Ақромова Ш.Г.Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар// Иқтисод ва молия/ Экономика и финансы. Т. № 10, 2011. 54 б

<sup>2</sup>Bowen H. Investment in learning – San Francisco 1978. P.362

<sup>3</sup>Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи К. Экономикс. М.: Дело 1993. С.303

<sup>4</sup>Machlup F. The Economics of Information and Human Capital. –Princeton,- 1984. P.419.

<sup>5</sup>Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценки. Иркутск.1999.с.97.

<sup>6</sup>Ақромова Ш.Г.Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар// Иқтисод ва молия/ Экономика и финансы. Т. № 10, 2011. 54 б

жараёни давомида ўз аксини топади. **Компетенцияни** эса касбий билим, малака, тажриба ва мотивация йиғиндиси деб ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Албатта юқоридаги олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, **инсон капитали ва ходимнинг компетенцияси** бевосита узвий боғлиқ ҳисобланади ҳамда **фаолият самарадорлиги** уларнинг мувозанат нуқтасида пайдо бўлади.

Қайд этиб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда прокуратура органлари фаолиятининг тубдан ислоҳ қилиниши ва фаолиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир халқаро стандартларнинг жорий қилиниши прокуратура органларида **кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириб боришни талаб қилмоқда.**

Прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш борасидаги фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу шубҳасиз, прокуратура органлари ходимларининг профессионал компетентлигини шакллантириш билан боғлиқдир.

Прокуратура органларига юклатилган вазифаларнинг **кенг қўламли эканлиги, соҳада қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурияти, жиноятчиликка қарши курашда замонавий ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши ҳамда судларда прокурор ваколатини таъминлашда тортишувчилик тамойилларининг мустаҳкамланиб бориши** ходимларнинг компетентлик даражасини тобора ошириб боришни тақозо қилаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада ҳуқуқшунос олим И.В.Енанинг фикрича, прокуратура органлари ходимларининг компетентлиги қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

**соҳавий билимлар;**

**амалий кўникмалар;**

**этик ва ахлоқий қадриятлар;**

## эмоционал-рухий ҳолат<sup>1</sup>.

Шу боисдан, прокуратура тизимида инсон капитали самарадорлигини ошириш тобора долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда прокуратура органлари фаолиятини демократлаштириш, ходимлар меҳнатини оптималлаштириш ва кадрлар мотивациясини оширишда ходимларнинг **билими ва малакасини ошириш, соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида** эътибор берилмоқда.

Шу жиҳатдан, 2021 йил давомида ходимлар томонидан ножўя хатти - ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ва масъулиятини ошириш мақсадида **5 670** та профилактик тадбирлар, шу жумладан ходимлар билан **2 145** мартаба профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Бундан ташқари, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги **ПФ-5438-сонли** Фармон<sup>2</sup>и билан прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш белгиланди.

Прокуратура тизимида ҳам кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига кўйишда уларнинг интеллектуал салоҳияти, аҳоли билан мулоқот қилиш лаёқати каби жиҳатлар биринчи ўринга чиқарилди<sup>3</sup>.

Ҳар бир давлат хизмати каби прокуратура органларида ҳам хизматга қабул қилгандан сўнг ходимлар фаолияти самарадорлигини доимий баҳолаб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари тизимида

---

<sup>1</sup>Ена И.В. Составляющие профессиональной компетентности прокурора и вопросы повышения её уровня // Борьба с преступностью: теория и практика: материалы Международной научно-практической конференции (Могилев, Республика Беларусь, 25 марта 2016 г.). С. 85- 88.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

<sup>3</sup>Қирғизбоев М.Маъмурий ислохотлар: Миллий давлат бошқаруви тизими модели// “HUQUQ va BURCH”.Т. 3/2019. 17 бет.

ходимларнинг компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш институти ҳам бугунги кунда давлат хизматининг таркибий қисми сифатида доимий равишда ижтимоий-сиёсий жараёнларда ривожланиб келмоқда.

Бугунги кунда прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” 2001 йил 29 августдаги 257-П-сонли Қонун<sup>1</sup>ининг **43-моддасига мувофиқ**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтказилмоқда.

Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурорлар фаолиятини баҳолаш келтириб ўтилган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида **камида икки марта** комплекс ўрганиб чиқилади. Шунингдек, мазкур модда ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокурорнинг “**Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида**” 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғ<sup>2</sup>и қабул қилинган. Ушбу буйруқ билан прокурорлар фаолиятини комплекс текширишда ўрганиладиган масалалар алоҳида белгилаб кўйилган ва фаолият самарадорлигини баҳолаш мазкур жиҳатларга эътибор қаратилган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, прокурорлар фаолиятини комплекс текшириш натижалари қоида тариқасида, **Бош прокуратуранинг хайъат мажлиси** муҳокамасига киритилади.

Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари: қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари,

---

<sup>1</sup>Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

<sup>2</sup> Бош прокурорнинг “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғи.

жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур норма билан ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар **прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги** белгилаб қўйилган.

Юқоридаги моддадан кўриниб турибдики, агар прокурорлар фаолияти самарадорлиги паст кўрсаткични қайд этса, улар **ўз мансабларида фаолиятини давом эттира** олмайдилар.

Шунга қарамадан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда баҳолаш фақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг фаолиятига татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Дастлабки тушунишга кўра, мазкур норма орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг марказий маҳкамасида фаолият олиб боровчи ходимлар, шунингдек қуйи тизимлардаги прокурор лавозимида ишламайдиган ходимларнинг фаолият самарадорлиги баҳоланмайдигандек кўринади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”** 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган **Низом<sup>1</sup>нинг** 14-бандида бутун прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари келтириб ўтилган. Низом талабларига асосан, прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини уларга юклатилган хизмат вазифалари доирасида баҳолашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига **сўзсиз риоя этилишининг** таъминланганлиги;

қонунбузилишларни олдини олиш ва профилактика қилиш **чораларининг таъсирчанлиги;**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли Қарори.

қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назоратнинг **самарадорлиги ва тўлалиги;**

қонунбузилиши ҳолатлари ўз вақтида ва тўлақонли фош этилганлиги ва қонунларни бузган шахслар аниқланганлиги ҳамда **жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилига риоя этилиши таъминланганлиги;**

судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишлари ва иқтисодий судларда ишлар кўриб чиқилишида прокурор иштироки самарадорлиги, шунингдек, қонунга зид бўлган суд қарорларига **ўз вақтида протест келтирилганлиги;**

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш борасидаги ишларнинг **самарадорлиги ҳисобланади.**

Демак, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўриниб турибдики, Республикада прокуратура органларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда, бунинг учун ҳуқуқий асослар бор.

Бундан ташқари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларида ҳам муайян соҳадаги прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари белгилаб берилади. Мазкур соҳавий буйруқлар асосида прокуратура органларида мавжуд бўлган тармоқларда фаолият олиб бораётган ходимлар фаолиятига баҳо бериш имконияти мавжуд.

**Хулоса ўрнида,** ҳар қандай давлат органи каби **прокуратура органларида ҳам** ходимларнинг компетенцияси ва фаолият самарадорлиги инсон капитали ҳамда салоҳиятига бевосита боғлиқдир. Агар шахсда билим, малака, кўникма ва мотивация етарли бўлмаса, уни юқори самарадорликка эга ходим деб айтиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш доимий йўлга қўйилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари “Прокуратура тўғрисида”ги **Қонун,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида” 2013 йил 12 сентябрдаги

ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган **Низом** ҳамда Бош прокурорнинг **соҳавий буйруқлари** ҳисобланади.

## **II. БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ҲОДИМЛАР МАЛАКАСИН ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **2.1. Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини ислоҳ қилиш масалалари**

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги кенг кўламли ваколатларидан келиб чиқиб, ходимлар малакасини доимий ошириб бориш ва улар фаолиятини ҳаққоний баҳолаб жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ҳар бир давлат органининг самарали ишлаши ушбу орган ходимларининг **компетенциясига** бевосита боғлиқ. Шу боис, яқин келажакда прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг **жорий мезонларини замонавий тенденциялар:** халқаро, хорижий ва миллий тажриба ҳамда ютуқлар асосида қайта танқидий кўриб чиқиш таклифини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу жиҳатдан, **фикримизча**, прокурорларнинг ўз ваколатлари асосида олиб борадиган фаолиятини баҳолашнинг **назарий-доктринал модели** ишлаб чиқиш ва уни амалиётда синаб кўришнинг вақти келди.

Мазкур **назарий-доктринал модел** прокурор ваколатларини амалга ошириш (фойдаланиш) натижаларини баҳолаш тизими билан боғлиқ қоидалар ҳисобланади, чунки баҳолаш прокурор фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Фаолиятни **тўғри ва адолатли** баҳолаш ҳар қайси соҳада бўлмасин доим самарадорликка сабаб бўлган.

Таклиф этилаётган доктринал моделга кўра, прокурор фаолиятини баҳолашнинг энг **самарали тарафи**, прокурорнинг ўз

ваколатларидан тўғри фойдаланиши натижасида прокуратура фаолиятининг **мақсадларига эришиш боради**<sup>1</sup>.

Шунга кўра, ҳуқуқшунос олим К.И.Амирбековнинг фикрича, прокурор фаолиятини баҳолаш нафақат прокурорнинг қонунбузилиш ҳолатларига ўз ваколатларининг бутун **арсеналидан тўлиқ ва етарли фойдаланганлигигина эмас**, балки қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг қай даражада қаноатлантирилишига ҳам боғлиқ бўлиши керак<sup>2</sup>. Баҳолаш мезонларида ушбу параметрлар албатта ҳисобга олиниши лозим.

Юқоридаги олим қарашларидан келиб чиқиб, **фикримизча**, доктринал моделга кўра, прокурор ваколатларини амалга ошириш натижаларини баҳолаш учун қуйидаги учта усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- **статистик** (сифат ва миқдор кўрсаткичлари асосида) усул,
- **эксперт баҳолаш усули** (прокурорлар томонидан ўз билимлари асосида берилган баҳо),
- **социологик усул** (аҳоли ва оммавий ахборот воситалари томонидан баҳолаш). Ушбу учта усулдан фойдаланган ҳолда тўпланган натижалар прокурор ваколатларининг бажарилишини **ҳар томонлама** баҳолаш кўрсаткичини ташкил қилади деб айтиш мумкин.

Прокурорнинг статистик ҳисоботида қонунларнинг бажарилиши устидан **прокурор назорати бўйича ваколатларни** амалга оширишнинг **миқдорий ва сифат** кўрсаткичларини акс эттиради. Масалан, ушбу ҳисоботда қуйидагилар акс этиши мумкин:

прокурор томонидан назорат қилиш ваколатларидан фойдаланган ҳолда аниқланган **қонунбузилишларининг сони**, прокурор томонидан

---

<sup>1</sup> Капинус О.С., Андреев Б.В., Казарина А.Х. // Проблемы совершенствования внутрисистемной оценки работы органов прокуратуры // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Рос. Федерации № 5 (31). 2012. С. 3-14. Капинус О.С., Амирбеков К.И., Андреев Б.В., Казарина А.Х., Корсантия А.А. Методологические основы оценки работы органов прокуратуры субъектов Российской Федерации по обеспечению законности и правопорядка// НИИ Академии Ген. прок. Рос. Федерации. М.: 2013-266с.

<sup>2</sup> Амирбеков К.И. Внутрисистемная экспертная оценка прокурорской деятельности: концептуальный подход // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ. 2014. № 2(40), № 3 (41).

ноқонуний қарорларни бекор қилиш бўйича протест келтириш ваколатидан фойдаланиш даражаси ва қаноатлантирилган протестлар сони;

прокурор томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида **тақдимнома юбориш** ваколатидан фойдаланиш сони ва мазкур тақдимномалар орқали маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар сони;

прокурорнинг маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқариш ваколати бўлган **органлар қарорларини** бекор қилиш сони;

назорат текшируви ёки фуқароларнинг илтимосига биноан ўтказилган текшириш натижалари бўйича прокурор томонидан судга **ариза (шу жумладан даъво) бериш ваколатидан фойдаланиш сони ва ушбу аризалар бўйича судларнинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ҳужжатлари сони.**

Мазкур кўрсаткичлар таҳлилларидан кўришиб турибдики, фақат сон кўрсаткичлардан эмас сифат кўрсаткичлардан ҳам ташкил топган ҳамда **улар мувозанатига асосланади.**

Бироқ, прокурорнинг назорат фаолияти бўйича статистик кўрсаткичларида прокурорнинг у ёки бу фаолият йўналиши бўйича ваколатларидан фойдаланишдан мақсадга эришилмаганлиги акс этмайди ва бу кўрсаткични тўлиқ, тўғри акс эттиришнинг имконияти ҳам мавжуд эмас. Хусусан прокурор назорати ҳужжати рад этилган тақдирда прокурор ушбу **хулоса билан келишиши мумкин.** Бу ҳолат эса прокурор назоратининг сусайишига олиб келиши мумкин. Ушбу хусусиятлар прокурор фаолиятини баҳолашда **объективликни** тўлиқ таъминлаш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, прокурорнинг **жиноий суд ишларини юритиш** бўйича статистик кўрсаткичларида прокурорнинг ваколатларидан тўғри ёки нотўғри фойдаланишидан ёхуд давлат айбловини қувватлаш бўйича

ваколатидан сифатли фойдаланилишидан катъий назар **оқланган шахслар сони** акс этади, Ҳисоботнинг ушбу кўрсаткичлари орқали рад этилган апелляция протеслари сонини, прокурор томонидан шахсга нисбатан **айбловдан воз кечиш статистикаси орқали эса**, айблов хулосаси асосиз тасдиқланган бўлиши мумкинлигини аниқлаш мумкин. Бироқ, мазкур амалиёт прокурорларда айбловдан воз кечиш **амалиёти салбий деган** тушунчани шакллантириб кўяди.

Шунга қарамасдан, прокурор фаолиятини баҳолашнинг кенг тарқалган усули статистик усул ҳисобланади. Прокурор фаолиятининг микдорий кўрсаткичига сифат кўрсаткичларни акс эттириш орқали прокурор ваколатидан фойдаланишнинг **самарадорлигини статистик баҳолаш** прокуратура органларида кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида статистик ҳисоботлар **“report.bp.gov” электрон манзили орқали юритилиб**, унда прокурорнинг умумий фаолияти, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов кўрсаткичлари акс эттирилади. Хусусан, **“П”** шаклидаги ҳисоботда умумий **прокурорлик фаолияти** бўйича кўрсаткичлар ўрин эгаллайди ва у соҳалар кесимида **16 та** бўлимдан иборат, **“1-Я”** шаклидаги ҳисоботда эса, прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, ички ишлар органлари, Мажбурий ижро бюроси органлари ва божхона органларининг суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари бўйича статистик кўрсаткичлари акс эттирилиб, **2 бўлим 12 та жадвалдан иборат**, **“2-Я”** шаклидаги ҳисоботда эса прокуратура органлари томонидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари бўйича статистик ҳисоботлар акс эттирилади. Ушбу ҳисоботлар ўзида жуд кўп сонли кўрсаткичларни акс эттиради ва жуда мураккаб факторларни амалга оширишга имкон берадиган хусусиятларни акс эттиради.

**Статистик баҳолаш прокурор ваколатидан** фойдаланган ҳолда келтирилган прокурор назорати хужжатларининг қаноатлантириш кўрсаткичидан келиб чиқиб белгиланади.

Бирок, прокуратура фаолиятининг самарадорлигини статистик кўрсаткичлар тўлиқ **тавсифлай олмайди**. Шу сабабли, биз таклиф қилаётган **доктринал модел** қоидаларига мувофиқ, статистик ҳисоботлар прокурор назорат хужжатларини тузиш сифатини, тўлиқчилиги, ўз вақтидалиги, асослигини белгилайдиган прокуратура ходими (ёки прокуратура ходимлари гуруҳи)га томонидан бериладиган **баҳо билан тўлдирилиши керак**.

Моделга мувофиқ, экспертлар баҳосининг субъекти яқка тартибда **прокурор ходими ёки прокурор ходимлари гуруҳи ҳисобланади**. Унинг моҳияти шундан иборатки, эксперт баҳолашда прокуратура ходимлари фаолиятининг **микдорий кўрсаткичларини** ёки фуқаролардан социологик сўров асосида олинган кўрсаткичларни асос қилиб олмайди, балки, **шахсий тажрибасига асосланади**. Прокурорнинг баҳоланадиган ишига эксперт прокурорнинг иш сифати тўғрисидаги маълумотларни **ўзи таҳлил қилиши натижасида** тўпланган **шахсий тажрибага кўра** фақат ўзининг **ички ишончига асосланиб баҳо беради**. Бирок, бу эксперт баҳолашда фақат ўзига маълум бўлган мезонларга амал қилишини англамайди. Эксперт баҳолашининг ягона ҳуқуқий мезонлари ишлаб чиқилиб, **рахбарият** томонидан тасдиқланган бўлади. Ушбу мезон ва кўрсаткичлар прокурор ваколатларини амалга оширишнинг статистик ҳисоботларида ҳамда фуқаролар ўртасида социологик сўровлар ўтказишда акс этмайдиган ёки оммавий ахборот воситаларида мавжуд ахборотларни мониторинг қилиш орқали олинмайдиган натижаларини қамраб олиши лозим. Бундай мезонлар прокурор ваколатларини қўллаш (қўлламаслик)нинг **қонунийлиги**, прокурор томонидан кўрилган **чораларнинг**

**қонунийлиги**, уларнинг ўз вақтидалиги, тўлиқлиги ва кўрилган жавоб чораларининг **етарлилигида ҳисобланади**<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, прокурорларнинг статистик ҳисоботларида прокурор ваколатларидан фойдаланишнинг қонунийлиги (ёки қонуний эмаслиги) **инобатга олинмайди** ҳамда буни **фуқаролар ўртасида сўров** ўтказиш орқали ҳам аниқлаб бўлмайди. Фақатгина прокуратура органларида хизмат қилган **эксперт** бу маълумотларни тўлиқ аниқлаши мумкин. Прокурорнинг ваколатларини амалга ошириш натижаларини ушбу мезон бўйича баҳолашда қуйидаги ҳолатлар акс этиши лозим: прокурорнинг назорат-текширув ваколатларидан асос ва сабаблар **етарли бўлмаганда** фойдаланганлиги, асос ва сабаблар **етарли бўлганда** фойдаланмаслик каби фактлар, ваколатларни қўллашда прокурор назоратининг устувор йўналишларини **инобатга олмаслик** ва бошқалар.

Эксперт прокурор ваколатларини баҳолашда прокурор томонидан қонунбузилиши **тўғри аниқланганлиги**, юқори турувчи прокурор томонидан қарорларни бекор қилиш ёки прокурор таъсир чораларини чақириб олиш ҳолатларини, прокурорнинг назорат ҳужжатларини (протестлар, даъволар, тақдимномалар) барча инстанцияларда рад қилиниши каби хусусиятларни инобатга олади.

Агар прокурор ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли **муддат ўтгандан** кейин ёки қонунбузилишини бартараф этишнинг **реал имконияти қолмаганидан** кейин ўз ваколатларидан фойдаланган бўлса, унда, албатта, прокурорнинг ваколатларини амалга ошириш натижасини **қониқарли деб** ҳисобланиши мумкин эмас. Шунингдек, аниқланган қонунбузилишининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда прокурор ваколатларини қўллашнинг **холислиги принципи таъминланмаган ёки прокурор ўз ваколатларидан тўлиғича фойдаланмаганлиги** натижасида қонунбузилиши ёки унинг

---

<sup>1</sup> Капинус О.С., Амирбеков К.И., Андреев Б.В., Казарина А.Х., Кор-сантья А.А. Указ. работа. С. 74-75.

сабаблари **тўлиқ бартараф этилмаган бўлса** ҳам прокурор фаолиятини самарали деб ҳисоблаб бўлмайди.

Прокурор томонидан барча қонунбузарларни аниқлаш, барча қонунбузарликларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаш, барча ҳуқуқбузарларни тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун ваколатларидан фойдаланмаслик унинг ушбу ваколатларидан фойдаланиш натижасини кониқарсиз деб топишга сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Моҳиятан, эксперт томонидан баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган ушбу мезон ва кўрсаткичлар Бош прокурорнинг **“Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”** 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғ<sup>2</sup>и талабларига жавоб беради.

Прокурорнинг судгача бўлган жиной иш юритиш соҳасидаги ваколатларини амалга оширишни эксперт баҳолаши учун кўрсаткичлар сифатида юқорида айтилганларга қўшимча равишда, суриштирув ва тергов органларининг процессуал қарорларини назорат қилиш бўйича ваколатидан ўз вақтида **фойдаланмаслик** ёки юқори турувчи прокурор томонидан қуйи турувчи прокурор **қарорлари бекор қилиниши**, рўйхатга олинмаган жинойтларни ўз вақтида аниқлаш ва фош қилиш учун жинойт ҳақидаги **ариза ва хабарларни рўйхатга олиш, текшириш ва кўриб чиқиш** давомийлигига **риоя қилинмаслиги**, шунингдек улар бўйича қарор қабул қилишнинг **талаблари** бузилиш ҳолатлари ҳам инобатга олиниши лозим.

Экспертнинг суд муҳокамаси босқичида прокурор фаолиятини баҳолашига – прокурор айблов хулосасини тасдиқлаган шахсга

---

<sup>1</sup> Амирбеков К.И. Внутрисистемная экспертная оценка прокурорской деятельности: концептуальный подход //Вестник академии Генеральной прокуратуры Рос. Федерации. 2014. №3 (41), С. 39.

<sup>2</sup> Бош прокурорнинг “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғи.

нисбатан суднинг қарори билан судланувчининг **реабилитация қилиниши мисол қилиш мумкин**<sup>1</sup>.

Бундай баҳолашда прокуратура ходимларининг **билими ва малака савияси** ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 мартдаги ПФ-5690-сонли Фармони билан зиммаларига юклатилган хизмат мажбуриятларини юқори профессионал даражада бажаришга қодир юқори малакали, чуқур касбий билимга эга, юқори интеллектуал қобилият ва юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ходимларни танлаб олишда рақобат муҳитини таъминловчи кадрларни шаффоф танлов асосида танлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этишни назарда тутувчи Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида янгиланган Низомни қабул қилиши белгиланди.

Бу борада юқорида қайд қилинганидек, прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги **ПФ-5438-сонли Фармонига мувофиқ**, қоида тариқасида **3 йилда 1 маротаба ўз малакасини ошириб келмоқда.**

Таклиф этилаётган моделга мувофиқ, статистик кўрсаткичлар ва эксперт баҳолаш кўрсаткичлари бўйича прокурор ваколатларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш ҳам прокурор (ёки умуман прокуратура) фаолиятининг самарадорлигини **тўлиқ тавсифламайди,**

---

<sup>1</sup> Теоретико-правовые и организационные основы участия прокурора в уголовном судопроизводстве. Монография. Под общ. ред. д. ю. н, профессора Халиулина А.Г. Москва.2016. С.104-119. См. также Теоретические основы оценки эффективности деятельности органов прокуратуры. Монография. Под общей ред. д. ю. н., профессора Кобзарева Ф.М. М., 2016. С. 193-217.

чунки **бу баҳолашлар тизим ичида амалга оширилади**. Баҳолашнинг тўлиқлиги ва холислигини таъминлаш учун ушбу иккита тизим ичидаги баҳолаш кўрсаткичлари тизимдан ташқари баҳолаш кўрсаткичи билан тўлдирилиши ва **комплекс** баҳолашдан фойдаланиш керак.

Замонавий даврда прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини тизимдан ташқарида баҳолаш фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари томонидан берилади дейиш мумкин(**социологик баҳолаш усули**).

Бундан ташқари, прокуратура фаолияти тизимдан ташқари ва Олий Мажлис Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳам баҳоланиши мумкин. Бирок, бу баҳолаш жуда **умумий ҳисобланади ва бу сиёсий баҳодир**.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини **сиёсий баҳолаш кўрсаткичи** комплекс баҳолаш таркибига киритилмаган ҳамда унинг фаолиятини фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари томонидан баҳолаш кўрсаткичлари айрим ҳолатларда инобатга олинади. Бирок, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ҳудудий прокуратура органлари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги регламенти ҳозирда қўлланиладиган **оммавий ахборот воситаларида** мавжуд бўлган маълумотларни таҳлил қилишни назарда тутмайди. Янада аниқроқ айтганда, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари томонидан прокуратура ходимлари фаолиятини баҳолаш тизими амалиётда бор, лекин унинг ҳуқуқий асоси **мавжуд эмас**.

Ўзбекистон Республикасининг **ҳудудий прокуратура органларининг фаолиятини текширишда** суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва фуқаролардан прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш, уларни таҳлил қилиш ва умуман текшириляётган

прокуратура ходимлари фаолиятини баҳолашда **ҳисобга олиш тавсия этилади.**

Бундан келиб чиқадики, **комплекс баҳолаш** тизим ичидаги баҳолаш кўрсаткичларини социологик усул ёрдамида олинган ташқи баҳо билан **тўлдириш** орқали аниқланиши керак.

Прокурор ваколатларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолашда **тизим ичидаги баҳолаш кўрсаткичини** социологик тадқиқотлар натижасида олинган **ташқи баҳолаш кўрсаткичи** билан тўлдириш прокурор ўз ваколатларини амалга оширишда жамиятда содир бўлаётган жараёнларда **бефарқ бўлмаслигига сабаб бўлади.**

Прокурорнинг ўз ваколатларидан фойдаланиш самарадорлигини ташқи баҳолаш **зарурати** амалиётда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда прокуратура ва прокурор мақомининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади. Прокурор фаолиятини баҳолашда фақатгина жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш ва ушбу фикрга асосланиб устувор йўналишларни танлаш прокурорга ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда барча зиддиятли вазиятларда қонуний қарорлар қабул қилинишини таъминлашга ва аҳолининг оммавий онгида **ҳуқуқий нигилизм** ва **қонун ҳамда уни қўллаш амалиётига** салбий муносабат шаклланмаслигига олиб келади.

Прокурорнинг ваколатларини амалга ошириш самарадорлигини социологик баҳолаш **расмий равишда белгиланиши** ва аҳоли учун ҳам, прокурорларнинг ўзлари учун ҳам тушунарли бўлиши керак. Бу учун алоҳида параметрлар ишлаб чиқилиши лозим. Бундай параметрлар сифатида **фуқароларнинг прокуратура раҳбариятига ва умуман прокуратурага бўлган ишончи даражаси**, уларнинг прокурор ва прокурор фаолиятидан **қониқиш даражаси**, умуман олганда прокуратура органлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги **ижобий ёки салбий** нашрлар, хабарлар ва маълумотлар белгиланиши лозим.

Прокурорнинг ваколатларини амалга ошириш самарадорлигини комплекс баҳолаш кўрсаткичини белгилашда шуни ёдда тутиш керакки, унинг таркибида учта кўрсаткич **бир хил ҳал қилувчи ролга эга эмас**. Масалан, аҳоли ёки оммавий ахборот воситалари томонидан баҳолаш кўрсаткичи, гарчи у тизим ичидаги баҳолаш кўрсаткичларини тўлдириши мумкин бўлса-да, лекин фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг фаолиятга субъектив муносабатининг катта қисмини ўз ичига олганлиги сабабли, прокурорнинг профессионал эмас, балки **эмоционал** ёндашув асосида баҳолашлари туфайли уларни баҳолашда статистик ва эксперт баҳолаш кўрсаткичига нисбатан камроқ аҳамиятга (**ўзига хос вазнга**) эга.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 1 майдаги **ПҚ-4702-сонли** Қарори билан **худудлар(туман ва шаҳар)нинг** ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби жорий қилинган бўлиб, аҳолидан келган мурожаатларни ҳал қилиниши даражаси бўйича **8,75 балл**, статистик ва эксперт баҳолаш эса **91,25 балл қилиб** белгиланган бўлиб, бу прокурор ваколатларини амалга ошириш самарадорлигини комплекс баҳолаш кўрсаткичини аниқлаш учун жуда **мақбулдир**.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган модел қоидаларига мувофиқ, статистик, социологик ва эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда йиғилган хулосалар орқали прокурор ваколатларини амалга ошириш натижаларини комплекс баҳолаш бугунги кун учун зарурий аҳамият касб этади.

Бу борада хорижий тажрибага юзланадиган бўлсак, **Ф.М.Кобзареванинг фикрича**, бир худудий прокуратуранинг фаолият самарадорлиги  $K_o = (O_c V_1 + O_n V_2 + O_e V_3) : 3^1$  формуласи бўйича

---

<sup>1</sup>  $K_o$  - самарадорликни комплекс баҳолаш кўрсаткичининг қиймати,  $O_c$  - статистик таҳлил усули билан олинган сифат ва маҳсулдорликни баҳолаш кўрсаткичининг қиймати,  $O_e$  - сифатни баҳолаш кўрсаткичининг қиймати. аҳоли сўрови ва оммавий ахборот воситалари мониторинги натижасида

аниқланади ва бошқа **худудий** прокуратура фаолиятини комплекс баҳолаш натижалари билан солиштирилади. Бундай таққослаш прокурорлар қайси соҳаларда муайян ваколатлардан **самарали фойдаланганликлари ва аксинча қайси соҳаларга эътибор қаратмаганликларини аниқлаш имконини беради**. Мазкур амалиёт прокурорнинг айрим ваколатларини амалга оширишнинг ижобий тажрибасини аниқлаш ва оммалаштиришга олиб келади.

**Хулоса ўрнида**, прокуратура органлари фаолиятини комплекс баҳолаш орқали қонунийликни мустақкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашга ҳамда ходимларнинг компетенцияси ва самарадорлигининг кескин кўтарилишига сабаб бўлади. Шунингдек, мазкур баҳолаш тизими орқали **прокуратура органлари фаолият йўналишларининг** ҳар бир жиҳатига эътибор қаратиш имконияти вужудга келади.

## **2.2. Прокуратура органлари ходимлари томонидан ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳамда ходимлар малакасини оширишнинг зарурати**

Ҳозирги кунда замонавий ахборот технологияларининг ҳар бир соҳага кириб бориши, айниқса давлат бошқарувига электрон ҳукумат тизимининг жорий қилиниши **самарали фаолият ва бошқарув** имкониятларини янада кенгайтиради<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги давлат ва жамоат бошқаруви соҳаларида ишлаётган ҳар бир мутахассис ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, унинг ҳуқуқий асослари таҳлили,

---

социологик усулда олинган иш, Ое-қиймати тизим ичидаги эксперт баҳолаш орқали олинган иш сифати кўрсаткичи, В1, В2, В3 - қиймати. комплекс баҳолаш таркибидаги биринчи (Ос), иккинчи (Хе) ва учинчи (Ое) кўрсаткичларининг вазни. Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Теоретические основы оценки эффективности деятельности органов прокуратуры. Монография; под общей ред. доктора юридических наук Кобзарева Ф.М. М., 2016. – 300 с.

<sup>1</sup>Зайниддинов.Х.Н, Артикова.М.А, Қорабоев.Ж.Ф. Бошқарувда ахборот технологиялари//Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.-Т.: “Академия”. 2014 Б.3

ахборот-коммуникацияси ва тармоқлари технологиялари, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар ва уларни бартараф этиш усуллари, Интернет тизими ва ундан бошқарувда фойдаланиш усуллари, давлат бошқарувида электрон **ҳукумат тизими**, интерактив хизматлар, электрон тижорат, ташкилот фаолиятини автоматлаштирувчи ахборот тизимлари, электрон рақамли имзо тизимларидан фойдаланиш асослари ва ташкилотда бошқарув ахборот тизимларини яратиш технологияларини яхши билишлари ва ўз **фаолиятларида** ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан тўла фойдалана олишларини шарт қилиб қўймоқда.

Шу жиҳатдан, сўнги йилларда прокуратура органларида ахборот тизимларини жорий этиш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, **“Электрон ҳужжат айланиши”** ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича **2022 йил 1 июнь** ҳолатига кўра ахборот тизимда **3 788 та** (прокуратура органлари), **1 060 та** (Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти) ва **3 899 та** (Мажбурий ижро бюроси) фойдаланувчилари мавжуд. 2022 йилнинг январь-май ойларида ахборот тизимида жами **2 374 889 та** ҳужжат ҳаракатлантирилган, прокуратура органлари ўртасида **586 827 та** ҳужжат узатилган. Мазкур амалиётни прокуратура органларида жорий этиш орқали қўйидаги амалий натижаларга эридилди<sup>1</sup>:

**биринчидан**, ахборот тизими жорий этилиши билан вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш имконияти тўлиқ яратилди;

**иккинчидан**, ходимлар бажарган вазифалар ижроси устидан назорат қилиш самарадорлиги ҳам ошди, ҳозирда барча ходимларнинг ижро интизомига риоя қилиши Ташкилий назорат ва таҳлилоти бошқармаси томонидан **электрон назорат** қилиш имконияти мавжуд;

---

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://prokuratura.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Олий Мажлис Сенатига киритган ҳисоботидан.

**учинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилиши, мурожаат муддатини бузмаслик имконини яратди;

**тўртинчидан**, ҳисоботлар электрон шаклда киритилгандан сўнг таҳлил ва ҳисобот шакли ходимларга **автоматик равишда** кўринади.

**бешинчидан**, керакли маълумотлар доимий равишда сақланади, ҳужжатлар йўқолиши ҳолатлари умуман кузатилмайди;

**олтинчидан**, электрон тизим бир неча давлат органларининг ахборот тизимларига уланган бўлиб, бу орқали ходим ўзига керакли маълумотларни бемалол тўсиқсиз олиш имкониятига эга ҳисобланади;

**еттинчидан**, электрон тизим орқали эълонлар ва тегишли зарурий маълумотлар бир вақтда бутун прокуратура тизими ходимлари учун етказилади;

**саккизинчидан**, ҳар ҳафталик янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумотлар олиш имконияти;

**тўққизинчидан**, электрон тизимда ходимлар ўртасида маълумотлар алмашиш учун зарурий бўлган чат мавжуд бўлиб, ушбу чат орқали барча ходимлар билан боғланиш имконияти мавжуд;

**ўнинчидан**, ходимлар малакасини **узлуксиз ошириш** мақсадида 2021 йил 5 февралдан бошлаб **электрон тизим** кунлик иш бошланиш вақтида ҳар бир ходим ечиши мажбурий бўлган **ҳуқуқий фанлардан тузилган бешталик саволлар тақдим этилиши** ҳамда ҳар бир савол бўйича тўғри жавоблар автоматик кўриниш бериш амалиёти жорий қилинди.

Прокуратура органларида жорий этилган электрон тизим нафақат ходимларнинг иш самарадорлиги кўтарилишига балки бюджет мадлағларининг тежалишига олиб келди. Масалан, 2022 йилнинг 5 ойида тежалган қоғоз нархи **1 353 686 730** сўмни, тежалган конвертлар нархи

**469 461 600** сўмни, тежалган почта хизматлари нархи **1 114 971 300** сўмни ташкил этди<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2021 йилдаги 660-сон қарори ҳамда Бош прокурорнинг 28.10.2021 йилдаги 1577-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида пенсияни ҳисоблаш ва тўланишини электрон тарзда амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг жамоатчилик билан алоқалар фаолияти бўйича масалаларни ҳал қилишда ҳам шубҳасиз, **ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш** муҳим амалий аҳамиятга моликдир.

Бугунги кунда прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича уларга юклатилган вазифаларнинг кенг кўламда бўлишини ҳисобга олиб, **фаолиятни ахборот билан таъминлаш жараёнини тўғри ташкил этиш жуда муҳим** ҳисобланади.

Шунга кўра, Бош прокуратура томонидан прокурор назорати доирасида ўтказилган текширишлар ва қўлланилган прокурор назорати хужжатларини электрон шаклда юритиш имкониятини берувчи **“Прокурор назорати”** ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-105-сон** қарори ижросини таъминлаш мақсадида ягона ахборот тизимининг синов версияси ишлаб чиқилиб, Бош прокуратуранинг серверига юкланди.

Шунингдек, жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини такомиллаштириш, жиноятлар ва терговга қадар текшириш материаллари ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, уларнинг содир этилиши сабабларини мақсадли таҳлил қилиш орқали жиноятчиликка қарши курашиш **самарадорлигини**

---

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://prokuratura.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Олий Мажлис Сенатига киритган ҳисоботидан.

ошириш учун Бош прокуратура томонидан **“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика”**, **“Е-материал”** каби ахборот тизимлари ишлаб чиқилиб, барча тергов ва суриштирув органларига жорий этилган.

Бугунги кунда мазкур ахборот тизимларининг жами фойдаланувчилари сони 8768 тани ташкил этиб, томонидан **“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика”** ахборот тизимида **277 254** та жиноят ишлари, **“Е-материал”** ахборот тизимида **614 390** та терговга қадар текширув материаллари бўйича маълумотлар электрон шаклда жамланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини, консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат дастурларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада самарадор ва шаффоф назорат механизмларини яратиш мақсадида **“Бюджет назорати”** дастурий таъминоти ишлаб чиқилди.

**“Бюджет назорати”** дастурий таъминоти Молия вазирлигининг **“Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими”**, Қурилиш вазирлигининг **“Шаффоф қурилиш”** каби ахборот тизимлари билан интеграция қилиниб, бюджет маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган давлат дастурларини масофадан туриб электрон шаклда ортиқча бюрократия ва қоғозбозликсиз онлайн назорат қилиш имкониятини яратади.

Ахборот тизимини ислоҳ қилиш натижасида Бош прокуратуранинг ахборот тизимлари **“Электрон ҳуқумат”** тизими идоралараро интеграциялашув платформаси ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграция қилинди.

Шунингдек, интеграция натижасида муқаддам қоғоз шаклда бир неча кун кутиб олинadиган маълумотлар бир неча сонияларда, электрон

шаклда, хизмат компьютеридан узоқлашмасдан олинадиган бўлди. Бу ходимларнинг фаолият самарадорлигини кескин ўсишига сабаб бўлди.

Мисол учун Давлат солиқ инспекциясининг ахборот тизимлари билан амалга оширилган интеграция натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг солиққа оид маълумотлари, солиқдан қарздорликлари, солиққа тортиладиган мулклар бўйича маълумотлар **СТИР ёки ЖШИР** рақамларини киритиш орқали санокли сонияларда олинади. Муқаддам бу каби маълумотни олиш учун **3-5 кун** вақт сарфланган.

Бу каби мисолларни бошқа вазирлик ва идоралар билан амалга оширилган интеграциялар бўйича ўнлаб келтириш мумкин.

Шу ўринда прокуратура органларида ишни ташкил қилишнинг моҳиятини ўрганадиган бўлсак, ҳуқуқшунос олим Ф.М. Кобзаревнинг фикрича, прокуратура органлари фаолиятига нисбатан ишни ташкил этиш деганда, прокуратура органларининг олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида оптимал фаолият кўрсатишни таъминлашга йўналтирилган **комплекс чора-тадбирлар** мажмуи тушунилади<sup>1</sup>.

Прокуратура органлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш борасида таниқли ҳуқуқшунос олим С.И. Герасимов асосли равишда таъкидлаб ўтганидек: “Муайян прокуратура органлари фаолиятида қайд этилган камчилик ва хатоларнинг аксарият қисми, мазкур прокуратура органлари раҳбарлари томонидан ишни ташкил этишда **замонавий усуллардан фойдаланишнинг аҳамиятига етарлича баҳо бермасликлари билан боғлиқдир. Фаолиятни ташкилий таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга етарлича эътибор бермаслик** прокуратура органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш потенциалини заифлашувига олиб келади ҳамда мамлакатдаги қонунийлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup>Прокурорский надзор. Учебник.-/ Под общ. ред. Ю.Винокуров и др.-М. Экзамен, 2003.-С.73.

<sup>2</sup>Организация работы городской (районной) прокуратуры:/ Под ред.С.И. Герасимов.-М.2001. С.5

Бундан ташқари, прокуратура органларининг жамоатчилик билан алоқалар фаолиятида **ахборот технологияларини кенг қўллаш** мамлакатимиз прокуратура органлари тизимида **қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни** мустаҳкамлаш самарадорлигини ошириши лозим. Чунки прокуратуранинг обрў-эътибори, ижтимоий аҳамияти, аввало унинг, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни барқарорлаштиришга қўшган ҳиссаси билан белгиланади<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, прокуратуранинг назорат доирасига кирувчи объектларда ёки ҳудудларда қонунийлик ҳолатининг таҳлилига ҳам алоҳида эътибор билан қараш лозим. Чунки айнан алоҳида олинган объект ёки ҳудудда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботининг ҳақиқий ҳолати шу ерда амалга оширилаётган прокурор назоратининг самарадорлигига объектив баҳо бериш, устувор йўналишларнинг белгиланиши ва тўғри мақсадни аниқлаш имкониятини беради.

Прокуратура органларининг назорат-таҳлил фаолияти бўйича ахборот ва хабарлар оғзаки, босма, аудиовизуал, ёзма ва бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин. Ушбу маълумот ва хабарлар прокуратура фаолиятининг, асосий ва устувор йўналишларининг ўзига хослиги ва назорат объектининг турига қараб турли хил гуруҳларга ажратилиши мумкин. Ушбу маълумот ва хабарларга тўлиқлик, объективлик, ишонччилик ҳамда прокуратура органларига ўз вақтида ва оператив тақдим этилиши каби талаблар қўйилади. Маълумотлар ва хабар жамланиши уларни турли хил номенклатурадаги иш юритувларга қабул қилиниш йўли билан амалга оширилади. Ушбу жараён замонавий компьютер технологиялари воситасида ҳисобга олиниб тизимлаштирилади ва сақланади. Бу жараёнда махсус компьютер дастурлардан, жамғарма

---

<sup>1</sup>Организация работы городской (районной) прокуратуры:/ Под ред.С.И. Герасимов.-М.2001. С.5

маълумотлар базаси ва локал компьютер тармоқларида кенг фойдаланилади<sup>1</sup>.

Шу жиҳатдан, ахборот-таҳлил ва режалаштириш фаолиятини самарали бошқариш ва аниқ мақсадга йўналтириш прокуратура органларининг ходимлари ўртасида хизмат вазифаларини **тўғри ва мақбул** тақсимлаш ҳамда амалий масалаларни тез ҳал қилиш имкониятини беради.

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларида фаолият олиб боровчи кадрларни замон талабларига мослаштириш, уларни профессионал тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш масаласига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш билан бир қаторда **прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди**. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилнинг 24 январида **“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сон Қарори** қабул қилинди ва унга кўра Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида **“Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази”** ташкил этилди. Ушбу Марказга прокуратура органлари ходимларининг малакасини оширишдан ташқари илмий фаолият олиб бориши ҳам белгиланган, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг **1994 йил 20 декабрдаги 869-сон буйруғига асосан**, Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Марказининг **Илмий кенгаши** тузилган.

Ўтган йиллар давомида республикаимизда амалга оширилган ислоҳотлар ушбу марказ фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этди ва

---

<sup>1</sup>Умаров Т.А. Роль информационно-аналитической работы и планирования в правоприменительной деятельности// Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3(03)2010.С.13-17

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 7 ноябридаги ПҚ-727-сон Қарори<sup>1</sup>га кўра, ушбу марказ негизда Ўзбекистон Республикаси **Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари** ташкил этилди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини даврнинг ўзи тақозо этди.

Ўтган давр мобайнида **ҳуқуқни қўллаш ҳолатини комплекс** таҳлил қилиш, қонунбузилишлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан прокуратура органлари ходимларини **зарур билим ва кўникмаларга** ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантирилди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлиги, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлардаги ўрни кучайтирилганлиги юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **“Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 7 ноябридаги ПҚ-727-сон Қарори.

**ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”**ги 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438-сон Фармон<sup>1</sup>и қабул қилинди.

Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси **Бош прокуратураси Академияси этиб қайта ташкил этилди**. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг **таълим ва илмий тадқиқот** муассасаси ҳисобланади.

Академия ўз ваколатлари доирасида фаолиятини Бош прокуратуранинг **таркибий тармоқлари, қуйи прокуратуралар**, Бош прокуратура ҳузуридаги **Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, таълим ва илмий муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширади.

**Академия:**

– прокуратура органлари ходимларини **ишдан ажралмаган** ҳолда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни;

– **“магистр”** даражаси берган ва давлат намунасидаги диплом топширган ҳолда бюджет ва тўлов-контракт асосида кадрларни тайёрлашни;

– прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодларни бирламчи ихтисослашув шаклида **касбий қайта тайёрлашни**;

– прокуратура органларида **раҳбарлик лавозимларига захирада** турган кадрларни касбий қайта тайёрлашни;

– қисқа муддатли дастурлар асосида **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш**

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини оширишни;

– кунунчиликка мувофиқ олий малакали **илмий ва илмий-педагог** кадрлар тайёрлашни;

– **миллий, хорижий ва халқаро грантларни** жалб қилган ҳолда ўқув, услубий, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий фаолиятнинг барча турларини;

– профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчиларни давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига, шу жумладан, хорижий давлатларга стажировкага юборишни;

– ноширлик фаолиятини амалга оширади.

Академиянинг асосий мақсади прокуратура органлари ходимлари ва бошқа кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш ҳамда **фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар** олиб боришдан иборат.

Албатта, Академиянинг мазкур ўқув машғулоти прокуратура органлари ходимларининг билими ва маҳорати ҳамда касбий билимларини ошириб боришда муҳим ўрин тутди.

Хусусан, ўтган йилларда ходимлар малакасини ошириш соҳасида **1 803** мартаба ўқув - амалий машғулоти ўтказилди, Бош прокуратура ва вилоят прокуратуралари маҳкамаларида **1 108** нафар ходимга иш ўргатилди.

Бош прокуратура Академиясида эса **5 028** нафар прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси органлари ходимлари ўқитилди.

Бундан ташқари, прокуратура ходимларининг аҳоли ва кенг жамоатчилик билан **очик ва шаффоф** мулоқот ўтказишга оид кўникмалари ҳам шакллантирилди. Мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак, рус ҳуқуқшунос олими С.А.Васильев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқни муҳофаза

килувчи органлар билан ҳамкорлиги ихтиёрий асосда амалга оширилувчи оммавий характердаги тенг ҳуқуқли, ошкора, умумий фаолиятдаги коидаларга асосланган ҳолда, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини **ҳимоя ва муҳофаза қилишга** йўналтирилади”<sup>1</sup>.

Бу борада қозоғистонлик олим **А.Канатовнинг фикрича**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги самаралигини оширишда аҳолининг юксак ҳуқуқий онги муҳим ўрин тутди. Мазкур йўналишда давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантиришлари ва хавфсиз шароитлар яратишга кўмаклашишлари лозим бўлади<sup>2</sup>.

Ижтимоий шериклик фаолиятининг **мазмун-моҳиятини прокуратура ходимларига тушунтириш орқали** прокуратура органларига бўлган ишончнинг ортиши ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга имкон берган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланишига олиб келади<sup>3</sup>.

Шу жиҳатдан, прокуратура органлари ҳузурида **халқ билан мулоқот асосида шаклланувчи жамоатчилик кенгашининг тузилиши** жамиятдаги мавжуд муаммоларни тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида фаолият самарадорлигига ҳамда аҳолининг прокуратура органларидан рози бўлишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши соҳадаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни **биргаликда кўриб чиқишга, бу борадаги мавжуд ечимлар юзасидан умумий қарашларни ишлаб**

---

<sup>1</sup>Васильев С.А.Конституционно-правовые основы взаимодействия общественных объединений с правоохранительными органами России в сфере защиты прав и свобод человека и гражданина:автореф.дис..канд.юрид.наук. М.2013.С 7

<sup>2</sup>Канатов А.К. Взаимодействие правоохранительных органов с населением как фактор обеспечения национальной безопасности// Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения №1.2016. С.44

<sup>3</sup>Турецкий Н.Н. Основы доверия населения правоохранительным органам//Криминология: вчера, сегодня, завтра.2014 №2. С38-40

**чиқишга** имкон беради. Шунингдек, жамоатчилик кенгашларининг ахборот-таҳлил фаолияти **прокуратура** билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишига олиб келган ҳолда, **жамиятдаги долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имконини беради.** Бунинг учун ушбу фаолият энг аввало очиқ асосда олиб борилиши ҳамда фаолиятнинг натижалари доимий равишда **замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан** фойдаланган ҳолда жамоатчиликка эълон қилиб борилиши зарур бўлади.

### **III. БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолашга оид айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Прокуратура мамлакатда қонунийлик тамойилларига риоя этилишини таъминловчи асосий орган ҳисобланганлиги сабабли, жамият ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Шу жиҳатдан прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги мезонларини аниқлаш муаммоларини ривожланган давлатларнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, самарадорликни баҳолашнинг мавжуд мезонлари, маълумотларни ҳисобга олишдаги муаммолар, баҳолашнинг адолатлилиги таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Хорижий амалиёт сифатида **Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва собиқ иттифоқ** мамлакатлари тажрибаси ўрганилиб, прокуратура органларининг барча даражадаги ходимлари фаолиятини миқдор, сифат ва самарадорлик мезонларига асосланган ҳолда ҳақиқий баҳолашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш зарурий аҳамият касб этади.

Хусусан, прокуратура ходимларига қонун билан берилган ваколатлардан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг бу ваколатлардан фойдаланган ҳолда амалга оширадиган фаолиятларини қандай қилиб энг яхши усулда баҳолаш мумкин деган савол туғилиши табиий.

Масалан, АҚШда прокурорларнинг аксарияти сайланган мансабдор шахслар бўлганлиги сабабли, улар фаолияти асосан сайловчилар томонидан баҳоланади ва бу кейинги сайловларда ғалаба қозонишлари учун ҳал

килувчи аҳамият касб этади<sup>1</sup>. Фуқаролик ҳуқуқи анъаналари амал қиладиган бошқа мамлакатларда эса ўқитиш ва тажриба орттиришнинг узок тадрижий йўли прокурорларни жамият қадриятлари ва ҳуқуқий стандартлар олдида масъулиятли бўлишга мажбур қилади<sup>2</sup>. Бундай қадриятлар ва стандартлар уларнинг институционал контекстига киритилган имтиёзларига айланади<sup>3</sup>.

Хитойда эса аксинча, прокурорлар фаолияти қатъий баҳолаш механизми орқали тартибга солинади. Буюк Британия Қироллик прокуратура хизмати ҳам турли соҳалардаги прокурорлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш учун самарадорлик кўрсаткичларини жорий этган<sup>4</sup>. Самарадорлик мезонлари прокурорларни хизмат фаолиятига масъулият билан ёндошишга ундайди, бироқ улар юқори турувчи прокурорларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам шундай муносабатда бўла олмайдилар. Таққослаш учун, Хитойда Самарадорликни баҳолаш мезонлари мос равишда миқдорий кўрсаткичларни ўз ичига олади, улар бутун прокуратура тизимига кириб борган ва прокурорларнинг кунлик хатти-ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатади.

2009 йилдан буён Хитойда прокуратура органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг **иерархик тартиби** жорий этилган, яъни бу юқори турувчи прокурорлар қуйи турувчи прокурорлар фаолитини баҳолайдиган тизимдир. Биринчидан, баҳолашда вилоят прокуратураси биринчи ўринни эгаллайди ва ҳар йили ўз тасарруфидаги барча маҳаллий прокуратура органларининг фаолиятини баҳолайди, бу эса маҳаллий прокуратура органларини идоралараро рақобатлашишга ундайди<sup>5</sup>. Иккинчидан, вилоят прокуратурасининг ҳар бир бўлими барча қуйи турувчи маҳаллий прокуратура органларида ўз тармоғи бўйича

---

<sup>1</sup> Wright R. F. How prosecutor elections fail us //Ohio St. J. Crim. L. – 2008. – Т. 6. – С. 581.

<sup>2</sup> Ma Y. A Comparative View of Judicial Supervision of Prosecutorial Discretion //CRIMINAL LAW BULLETIN-BOSTON-. – 2008. – Т. 44. – №. 1. – С. 30.

<sup>3</sup> Garoupa N., Harel A., Hylton K. The economics of prosecutors //Research handbook on the economics of criminal law. – 2012. – С. 231-42.

<sup>4</sup> H.M. Crown Prosecution Service Inspectorate (HMCPsi) A Review of the Use of Performance Information in the Crown Prosecution Service. (2005), pp. 33-42.

<sup>5</sup> Jiahong H., Ran H. Empirical studies of wrongful convictions in mainland China //U. Cin. L. Rev. – 2011. – Т. 80. – С. 1277.

баҳолашни амалга оширади, бу эса қуйи турувчи прокуратура органлари ўртасида бир-бири билан **кучли рақобатга олиб келади**. Учинчидан, ҳар бир маҳаллий прокуратура органи йилда бир мартаба ҳар бир прокурорнинг фаолиятини баҳолайди. Шундай қилиб, маҳаллий прокуратура органи прокурорлари ўз ишининг эътироф этилиш ва **иш ҳақини ошириш** учун бир-бирлари билан рақобатлашишга мажбур бўладилар<sup>1</sup>.

Буюк Британия Қироллик прокуратураси хизматининг самарадорликни баҳолаш тизимида эса **айблов ҳукмлари сони** асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, турли ҳудудлардаги функционал бўлинмалар ёки вилоятдаги алоҳида прокурорлар ўртасида эса қиёсий баҳолаш амалга оширилмайди, яъни фаолият самарадорлиги билан боғлиқ маълумотларни очиқлаш ва таққослаш истагининг йўқлиги, бу нарсага **“исмни кўрсатиш ва шарманда қилиш”** сифатида қаралиши билан боғлиқ.

Хитойдаги баҳолаш қоидаларида муайян иштирокчилар ўртасида юқори рақобат муҳитини шакллантирадиган бир қатор миқдорий кўрсаткичлар қўлланилади<sup>2</sup>. Мазкур қоидаларга мувофиқ барча маҳаллий прокуратура органлари фаолияти ҳар йили миқдорий кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши лозим. Маҳаллий прокуратура органлари фаолиятини баҳолаш қоидалари (2019) ҳар бир бўлимга берилиши керак бўлган иш ҳажмини аниқлайди ва маҳаллий прокуратура балларини ҳисоблаш учун барча бўлимларнинг ўртача иш ҳажмидан фойдаланади.

Прокуратуранинг барча бўлимлари ўзларининг баҳолаш қоидаларини қуйи турувчи прокуратура органларининг тегишли бўлимларини бошқариш ва баҳолаш учун тақдим этадилар. **Бўлим**

---

<sup>1</sup> Xifen Lin, Cheng Chen. Organizational governance and prosecutorial attitudes: Regulating Chinese prosecutors through the performance evaluation mechanism // International Journal of Law, Crime and Justice. Volume 62, 2020.

<sup>2</sup> Jiahong H., Ran H. Empirical studies of wrongful convictions in mainland China // U. Cin. L. Rev. – 2011. – Т. 80. – С. 1277.

**даражасида баҳолаш қоидалари** ҳам миқдорий ҳисобланади ва бунда ўртача арифметик усул қўлланилади. Масалан, биринчи бўлинмаларнинг фаолият кўрсаткичларида учта элемент аниқланади, улар қуйидагича баҳоланиши лозим:

1. Ишларни кўриш самарадорлиги ва сифати, бу умумий баллнинг 30 фоизини ташкил этади;

2. **Жиноятчиларни ҳибсга олиш** ва суд таъқибини амалга ошириш босқичларида бошқа органлар устидан назорат самарадорлиги, бу умумий баллнинг 50 фоизини ташкил этади;

3. Сўнги инновацион ислохотларга қаратилган ишлар самарадорлиги, бу умумий баллнинг 20 фоизини ташкил этади.

Барча бандлар бўйича **баллар йиғиндиси** ҳар бир маҳаллий прокуратура органида прокуратуранинг **яқуний баллини** беради.

Алоҳида прокурорларнинг даражасига келсак, ҳар бир маҳаллий прокуратура органи ўз прокурорларини баҳолаш қоидаларини ҳам ишлаб чиқади. Бироқ бу ҳолатда муайян кўрсаткичлар фарқ қилиши мумкин, аммо қўлланиладиган ёндашувлар кўп жиҳатдан ўхшаш бўлади.

Масалан, маҳаллий прокуратурани баҳолаш қоидаларида прокурорлар ўз иш фаолиятлари учун А, Б ёки С баҳоларини олишлари белгиланган. “А” баҳоси энг яхши прокурорларнинг 20 фоизига, “Б” баҳоси ўртача 60 фоизига, “С” баҳоси эса энг паст рейтингга эга прокурорларнинг 20 фоизига берилади. Агар маҳаллий прокуратура органи бўлимларининг раҳбарлари “А” баҳосини олишни истасалар, улар бўлимни бўлим даражасидаги энг яхши баҳо бўйича биринчи бешталигига олиб чиқишлари лозим<sup>1</sup>. Оддий прокурорлар учун улар бўлимларининг рейтинглари, албатта, йил охиридаги баҳоларига таъсир қилади ва уларнинг шахсий ишлаш кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Яъни, агар бўлим рейтингини паст бўлса, ушбу бўлим прокурори одатда “А” баҳосини

---

<sup>1</sup> H. Huang, Q. Wang, L. Jiang. The model of performance management in Harbin Procuratorates // Chinese Talents, 11 (2007), pp. 61-63.

ололмайдди. Аммо, агар унинг шахсий иш самарадорлиги (масалан, кўриб чиқиладиган ишлар сони, ишларни ҳал қилиш тезлиги) юқори бўлса, унда маҳаллий прокуратура органи раҳбарлари унга “А” баҳосини кўйишни кўриб чиқишлари мумкин.

Иерархик ва рақобатбардош баҳолаш тизими иккита **асосий мақсадни** кўзлайди: биринчидан, прокурорларни назорат қилувчи прокурор раҳбарлигида ўз ишларини виждонан бажаришга ундаш, иккинчидан, қуйи даражадаги прокурорларни юқори турувчиларнинг иродаси ва ислохотларини фидокорона бажаришга ундаш. Бундан эса юқори турувчи прокуратура органларини қуйи прокуратура органлари устидан бошқарувни ташкил этиш мақсад қилинган<sup>1</sup>.

Самарадорликни баҳолаш мезонининг биринчи мақсади, прокурорларни кундалик иш вазифаларини бажаришга **мотивация бериш**, яъни бўйсунувчиларни ўз ваколатларидан яхшироқ фойдаланишга ва ишларни кўриб чиқиш фаолияти самарадорлигини оширишга ундашдан иборат. Бошқа давлат хизматчилари сингари Хитой прокурорларининг ҳам лавозимлари нисбатан барқарор бўлиб, хизмат поғоналаридан кўтарилиш бўйича чекланган имкониятларга эга бўлсаларда, камдан-кам ҳолларда ўз иш ўринларини йўқотадилар. Агар самарадорликни баҳолаш мезонлари бўлмаганида, яхши натижаларга эга бўлган, кўпроқ ишларни кўрувчи прокурор ёмон натижаларга эга бўлган, камроқ ишларни кўрувчи прокурор билан бир хил маош олган бўларди. Шу билан бирга, юқори турувчи прокурорлар, гарчи ишларни бевосита ўзлари юритмасаларда, уларда хизматда ўсиш имконияти кўпроқ. Бир томонидан, бўйсунувчи прокурорлар кўпроқ ойлик маош кўринишидаги рағбатлантириш мукофотлари олишга қизиқадилар ва рейтингларини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Бошқа томондан, уларнинг бошлиқлари вилоят прокуратураси тасарруфидаги бошқа маҳаллий прокуратура органлари билан рақобатлашиб, ҳамкасблари

---

<sup>1</sup> Jiang N. Problems and prospects: China's response to wrongful convictions //International Journal of Law, Crime and Justice. – 2015. – Т. 43. – №. 1. – С. 109-128.

орасида ажралиб туриш учун ўз бўйсунувларидаги ходимларни бошқариш учун астойдил ҳаракат қиладилар. Бевосита қуйи прокурорлар фаолиятини яхшилаш одатда уларнинг **бошлиқлари рейтингининг** ошишига олиб келади, шу билан бирга, бошлиқларнинг бўйсунувчиларига кўпроқ таъсир ўтказишлари уларни кўпроқ ишлашга мажбур қилади<sup>1</sup>

Самарадорликни баҳолаш мезони асосан прокурорларни кундалик функцияларини яхшироқ бажаришга ундаш ва баҳолаш учун тегишли кўрсаткичларни шакллантириш орқали биринчи мақсадига маълум даражада эришди. Масалан, 2018 йилга қадар прокуратура органининг иккита асосий функцияси мавжуд эди: жиноят ишларини кўриб чиқиш ва гумон қилинувчини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, полиция ва судьялар хатти-ҳаракатлари қонунийлигини назорат қилиш<sup>2</sup>.

Биринчисига тўхталадиган бўлсак, 2013 йилда вилоят прокуратурасининг суд назорати бўлими жиноятчиликка қарши кураш муҳимлигини таъкидлаш ва айрим прокурорлар томонидан пора олиш ёки жиноятларни таъқиб қилмаслик учун бошқа имтиёзлардан сақланиш учун жиноят иши қўзғатмаслик даражасини баҳолашда энг ёмон кўрсаткич сифатида белгилади.

Шундан сўнг, маҳаллий миқёсдаги жиноят иши қўзғатмаслик даражаси 2009-2012 йиллардаги 6-9 фоиздан бирданига 2 фоизгача тушиб кетди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўрсаткичларни бундай камайиб кетишига асосан прокурорларнинг айбловдан воз кечиш даражаси 3 фоиздан кам бўлиши тўғрисидаги талаби сабаб бўлган. 2018 йилдан сўнг маҳаллий прокурорлар томонидан кўрилган асосий чора, прокурорларни

---

<sup>1</sup> Kinkel J. J., Hurst W. J. The judicial cadre evaluation system in China: From quantification to intra-state legibility //The China Quarterly. – 2015. – Т. 224. – С. 933-954.

<sup>2</sup> Long Z. Refining the performance evaluation system in Chinese judiciaries // Tribune of Polit. Sci. Law, 4 (2018), pp. 3-15.

ишни тез ҳал этганлиги учун рағбатлантириш бўлиб, бу жавобгарликка тортиш тезлигига таъсир кўрсатган<sup>1</sup>

Прокуратура органларида самарадорликни баҳолаш мезонларининг иккинчи муҳим мақсади, ислоҳотлар прокуратура тизимида изчилликда ва бутун прокуратура тизими бўйича **тўлиқ қўлланилишини** таъминлашдир. Сўнгги йилларда Хитой прокуратураси бир қатор инновацион тажриба лойиҳаларини амалга оширди, унда ислоҳотчилар прокуратура ваколатлари ва функцияларини аниқлаб бердилар. Ушбу ислоҳотларни қуйи даражаларда ҳам амалга ошириш лозим бўлди. Тажриба тариқасидаги ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида прокуратура ва унинг ички бўлимлари баҳолаш қоидаларининг аниқ мазмунига доимий равишда тузатиш киритиб борадилар. Дарҳақиқат, 2009 йилда прокуратура баҳолаш қоидаларини миқдорий жиҳатдан қўллаш бошланганлиги сабабли, ҳар икки йилда бир маротаба баҳолаш қоидаларининг параметрлари қайта кўриб чиқилмоқда<sup>2</sup>.

Масалан, 2009-2010 йилларда прокуратура фаолиятини баҳолаш қоидаларида қуйидаги **бешта банд асосида** кўриб чиқилган: “ишларни юритиш сифати ва тезлиги”, “хуқуқий назорат”, “асосий иш”, “ходимларни малакасини ошириш фаолияти” ва “прокурорлик фаолиятини хуқуқий тадқиқ қилиш”.

Бундан ташқари, “ишларни юритиш сифати ва самарадорлиги” ва “хуқуқий назорат” сингари ишларни юритишнинг иккита асосий бандига берилган балл умумий балнинг 50 фоизини ташкил этган. Шундай қилиб, баҳолаш қоидалари бўлимдаги ишларни юритишдан ташқари бошқа ишларнинг аҳамиятини самарали тарзда оширди ва натижада қуйи турувчи прокурорларни ўзларининг асосий функцияларидан чалғитди. Бир қуйи турувчи прокуратура органидаги бўлим ишини бошқасидаги ишдан ажратиш улар учун қийин бўлганлиги сабабли, қуйи даражадаги бўлимлар

---

<sup>1</sup> Minzner C. F. Riots and cover-ups: counterproductive control of local agents in China //U. Pa. J. Int'l L. – 2009. – Т. 31. – С. 53.

<sup>2</sup> Ng K. H., He X. Embedded courts: Judicial decision-making in China. – Cambridge University Press, 2017.

бунинг ўрнига прокуратура фаолияти билан боғлиқ мақолалар ёзиш ва ходимларни қайта тайёрлаш бўйича яхши натижаларга эришиш учун кўп куч сарфладилар. Натижада, прокуратура назоратининг асосий функцияларини ажратиб қолиш 2011-2012 йиллардаги баҳолаш қоидаларидан ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлмаган сўнгги учта банд **“яхлит прокуратура иши”** деб номланган битта бандга бирлаштирилган. Ушбу янги банд учун берилган баллар улуши аввалги учта банд учун умумий баллар сонининг 30 фоизигача қисқартирилди. 2013-2014 йилдаги баҳолаш қоидалари 2011-2012 йилдаги баҳолаш қоидаларига мос келсада, аммо баъзи ўзгаришлар киритилган. Олдинги қоидаларда, агар кўйи турувчи прокуратура бўлими ишларни кўришнинг мақсадли йиллик кўрсаткичининг 90 фоизига етган бўлса, ҳар 1 фоиз ўсиш учун ушбу бўлимга яна бир балл берилади ва ҳар бир пасайиш 1 фоиз балл камайтирилишига олиб келади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Хитойда асосан прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини аниқлашнинг миқдорий тизими ишлаб чиқилган.

Кейинги навбатда самарадорликни аниқлашнинг мутлақо бошқа тизими бўлган **АҚШнинг бу борадаги тажрибасини** кўриб чиқамиз. АҚШда прокурорлик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари – ПФСК (Prosecutorial Performance Indicators) ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида кўплаб фирмалар (шу жумладан олий ўқув юртлари томонидан ташкил этилган) прокуратура фаолиятини баҳолаш бўйича кенг кўламли хизматларни таклиф қиладилар.

Кўрсаткичлар Флорида халқаро университети, Чикагодаги Лойола университети, Портленд давлат университети ва Justice System Partners билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Ушбу ҳамкорлик Жон Д. ва Кетрин Т. Макартурлар жамғармасининг **“Хавфсизлик ва одил судлов”** ташаббуси доирасида молиялаштирилади<sup>2</sup>. Прокуратура органлари

---

<sup>1</sup> <https://www.mcda.us/index.php/prosecutorial-performance-indicators-ppis>.

<sup>2</sup> <https://prosecutorialperformanceindicators.org>.

фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бошқарув воситалари;
2. Самарадорликни ўлчаш воситалари;
3. Шаффофлик ва жамоатчиликни жалб қилиш инструменти.

ПФСК 50 дан ортиқ кўрсаткичлардан иборат меню ёрдамида учта мақсад учун самарадорликни баҳолайди: салоҳият ва самарадорлик, жамоат хавфсизлиги ва фаровонлиги, ҳалоллик ва адолат<sup>1</sup>

Самарали прокурорлик фаолиятининг кўрсаткичлари:

1. Таъсир кўрсатишга йўналтирилган – фақат рақамларни ҳисоблаш учун эмас, балки ҳақиқий таъсир кўрсатиш учун қўлланилади. Улар прокурорлар ва тегишли ташкилотларга муаммоларни белгилашда, кўшимча саволлар беришда, ечимларни ишлаб чиқишда ва вақт ўтган сайин ўзгаришларни ўлчашда ёрдам беради;

2. Ҳар томонлама кўриб чиқиш – кенг қамровли ташкилий мақсадлар ва прокуратура **функцияларини амалга оширишга** қаратилган. Гарчи ПФСК алоҳида мазмунга эга бўлсада, улар ўзаро боғлиқ ва айниқса тенденциялар биргаликда кўриб чиқилганда жуда фойдалидир;

3. Аниқ мақсадларга йўналтирилган – муваффақият келтирадиган қарорни мустақил равишда қабул қилиш жараёнининг натижасидир;

4. **Жамоатчилик билан алоқаларга эътибор қаратиш** – жамиятнинг истакларини акс эттиради. Инсонлар хавфсизликка ва зўравонликдан ҳимоя қилинишга муҳтож, шунингдек, улар ҳисобдорлик ва шаффофликни ҳам талаб қиладилар;

5. **Маълумотларга асосланиш тамойили** – фикрларга эмас, балки аниқ маълумотларга асосланган;

6. Беғаразлик – фойдаланиш учун очиқ ва бепул.

Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини аниқлашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

---

<sup>1</sup> <https://prosecutorialperformanceindicators.org>.

## 1. Салоҳият ва самарадорлик:

- ташкилий ва кадрлар салоҳияти (органнинг оғир жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юкламаси, оғир жиноятлар бўйича юкламанинг тақсимланиши, раҳбарият ва прокурорлар йўналишларининг хилма-хиллиги, иш юритиш ва параюрдик потенциал, маълумотлар ва таҳлилий имкониятлар);

- вақт ва ресурсларнинг устувор аҳамият касб этиши (ариза берилганда **аҳамият берилиши лозим бўлган ҳолатларни** аниқлаш қобилияти, ишни топшириш ва тугатиш ҳолатларини стратегик рад этиш, жамоат хавфсизлигига катта таъсир кўрсатадиган ишларнинг устуворлиги, жиддий ҳуқуқбузарлар учун озодликдан маҳрум қилиш имкониятини сақлаб қўйиш, жазони бекор қилиш тўғрисидаги аниқ қарорлар);

- ишни ўз вақтида кўриб чиқиш (оғир жиноят тўғрисида қарор қабул қилиш, судгача ушлаб турилган шахсларнинг ишлари бўйича қарорларни самарали ижро этиш; қамокда сақланаётган шахсларнинг ишларини кўриб чиқиш вақти);

## 2. Жамоат хавфсизлиги ва фаровонлиги:

- **оғир жиноятларга қарши курашиш** (зўравонлик жиноятларининг олдини олиш, зўравонлик жиноятларини оқлаш, зўравонлик жиноятлари рецидивни, оғир жиноятлар рецидивни, ҳуқуқбузарликлар авж олиши, барча ҳудудларда оғир жиноятларга бир хил муносабатда бўлиш, гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш);

- жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш (жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш, жабрланувчилар билан тезкор алоқа қилиш, **жабрланувчиларга нисбатан зўравонликни олдини олиш**, болаларни виктимлаштиришга қарши кураш, камбағалларни виктимлаштиришга қарши кураш, жинсий зўравонлик туфайли виктимлаштиришга қарши кураш);

- **жамият билан ўзаро алоқалар** (прокуратурага мурожаат қилиш имкониятининг етарлилиги, жиноятлар тўғрисида хабар бериш

имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий жиҳатдан турли жамоалар билан ўзаро алоқалар, прокуратуранинг оммавий тадбирларда иштирок этиши, гувоҳлар билан ҳамкорлик; оммавий ҳужжатлар сўровларига жавоб бериш);

### 3. Ҳалоллик ва адолатлилик:

- ирқий ва миллий фарқлар (ирқий/миллий озчиликлар виктимлаштирилиши, жабрланувчининг ирқи/миллати асосида ишларни тугатиш, гумон қилинувчининг ирқи/миллати асосида дастлабки хулоса қилиш, гумон қилинувчининг ирқи/миллати асосида ишни топшириб юбориш, гумон қилинувчининг ирқи/миллати асосида айблаш ва айбни бўйнига олишни таклиф қилиш);

- кераксиз жазоларни минималлаштириш (ариза беришда кераксиз жиноий айбловлардан қочиш, қамоқ жазосига муқобил жазони алмаштириш, дастлабки хулосадан фойдаланишни камайтириш, имкони бўлганда қамоқ жазоси тайинлашдан қочиш, камбағалларни дастлабки хулосага мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш, **ҳаддан ортиқ белгиланган жазолардан қочиш бўйича** раҳбарий тамойилларга риоя қилиш);

- прокурор этикаси ва ҳалоллиги (процессуал ва ахлоқий ҳуқуқбузарликлар, адолатли чора кўрилишига интилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жавобгарликка тортиши, ноҳалоллик учун айблаш, маълумотни ошкор қилишга риоя қилиш).

**Кўп мезонлар асосида баҳолаш ҳар ойда** ва фақат 4 та мезон (ходимларни ушлаб туриш даражаси (1-банд) ва процессуал ва ахлоқий ҳуқуқбузарликлар, адолатли чора кўрилишига интилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жавобгарликка тортиш мажбурияти (3-банд)) асосида **ҳар чоракда** амалга оширилади.

Юқоридаги **кўрсаткичлар бўйича баҳолаш тизимидан** кўриниб турибдики, АҚШда бу борада сезиларли ишлар амалга оширилган. Бу мамлакат сиёсати халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиши, уларнинг ҳимоясини таъминлаши ва давлат органларини фақат халқ ҳаётини энгиллаштириш учун фаолият юритишини англатади.

Собиқ иттифоқ мамлакатларида эса прокуратура органлари фаолияти самарадорлиги кўпроқ **статистик кўрсаткичлар** билан боғлиқ бўлган.

Н.С. Богомолов<sup>1</sup> таъкидлаганидек, прокуратура ходимларининг ҳеч бирига сир эмаски, раҳбарият уларнинг фаолияти самарадорлигини, биринчи навбатда, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сонига ва прокуратура таъсир чораларининг (келтирилган протестлар, тақдимномалар, огоҳлантирув, аризалар ва бошқалар) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий баҳолайди. Шу билан бирга, самарадорликни баҳолашнинг асосий тамойили ишлаш кўрсаткичларини доимий равишда ошириб боришдир. Бироқ, бу ерда муҳим мантиқий қарама-қаршилиқлардан бири мавжуд: агар прокуратура органларининг вазифаси қонунийликни назорат қилиш бўлса, унда прокуратура томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сонининг доимий равишда ортиши прокуратура фаолияти самарадорлигининг кўтарилишини ҳам, ва аксинча прокуратура томонидан кўрилган чоралар билан қонун устуворлигини мустаҳкамлаш мақсадига эриша олмаётганлигини ҳам кўрсатади. Қоидабузарликлар кўпинча бир хил, йилдан-йилга такрорланишини ҳисобга олсак, иккинчи хулоса, айниқса аниқлигини кўриш мумкин.

Ушбу тизимга қарши яна бир танқидий аргумент шундан иборатки, **“кўрсаткичларни пасайтиришга йўл қўймаслик”** тамойили уларнинг йилдан-йилга доимий ўсишига олиб келади. Натижада, ҳар йили прокуратуранинг ҳар бир ходимининг иш юкламаси ортиб боради, бу эса прокуратура ходимлари штатларини доимий кўпайтириб боришга ёки ходимларнинг доимий “вақт босими” режимида қийналиб ишлашига олиб келади.

Бироқ ҳозирда кўплаб олимлар прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини фақат статистик мезонга қараб

---

<sup>1</sup> Богомолов Н.С. Некоторые проблемы оценки эффективности деятельности государственных органов на примере органов прокуратуры РФ // Экономика и общество: рациональность и ответственность: сборник научных трудов. Омск. Омгту. 2015.

аниқлашга қарши чиқмоқдалар. Р.В. Жубрин<sup>1</sup> таъкидлашича, бажарилган иш миқдори доим ҳам самарадорликни аниқлашнинг ягона мезони бўлавермаслиги мумкин. Фараз қилайлик, муайян вақт ичида прокурор **50 та терговга қадар текширув материалларини ўрганиб чиқди**, улар учун жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида **10 та қарор қабул қилди**. Шундай қилиб, прокуратура ходими маълум вақт давомида муайян ҳажмдаги ишни яқунлади ва маълум натижаларга эришди. Натижалар ва иш ҳажмининг нисбати бўйича ходимнинг иш вақтидан қанчалик самарали фойдаланишини баҳолаш мумкин: юқори иш юкламаси билан паст кўрсаткичлар прокуратура ходими фаолиятидаги камчиликларни кўрсатиши керак. Қиёсланадиган иш юкламаси ва иш вақти билан энг яхши натижага эришган ходим самаралироқ ходим деб ҳисобланиши лозим.

Аммо, фақат юклама ва натижаларнинг нисбатларини баҳолаш билан чекланадиган бўлса, фақат юқори кўрсаткичларга эришишга қаратилган фаолиятни самарали фаолият сифатида баҳолаш хавфи катта бўлади. Шунингдек, иш сифатини ҳисобга олиш керак. Келтирилган мисолда сифат мезони жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш натижасида қўзғатилган жиноят ишларининг сони, шунингдек, юқори турувчи прокурор томонидан бекор қилинган бўйсунувчи прокурорнинг қарорлари сони бўлиши мумкин. Фаолиятнинг турли соҳаларида сифат кўрсаткичлари эришилган натижаларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб фарқ қилади.

Масалан, қонунлар ижроси устидан назорат йўналиши учун сифат кўрсаткичи бу жами аниқланган ҳуқуқбузарликлар ичида ижтимоий хавфи юқори бўлганининг улуши (маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар), қаноатлантирилган прокурор назорати ҳужжатлари миқдори бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Жубрин Р.В. Оценка эффективности деятельности органов прокуратуры. <https://wiselawyer.ru/poleznoe/73278-ocenka-ehffektivnosti-deyatelnosti-organov-prokuratury>.

Муайян ходимлар фаолиятининг самарадорлигини таққослашда иш юкламасининг мутлақ кўрсаткичларини ҳам, ўтказилган текширишларнинг мураккаблиги, ўрганилган материаллар, жиноят ишлари ва эришилган натижаларнинг сифатини ҳам инобатга олиш лозим. Алоҳида ҳолларда натижаларнинг сифати самарадорликни баҳолаш учун бажарилган умумий иш ёки умумий натижаларга қараганда муҳимроқ бўлиши мумкин.

К.И. Амирбеков<sup>1</sup> прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун иккита асосий мезонни илгари суради – натижавийлик (бажарилган ишлар ҳажми миқдорий кўрсаткичларининг прокуратура ходимлари сонига нисбатини ҳисоблаш) ва сифат (сифатли ва сифатсиз прокуратура ҳуқуқий ҳужжатларини бир-бири билан ёки ҳар бир фаолият туридаги ишнинг умумий сони билан ҳамда ҳар бир прокурор ҳужжати билан ҳисоблаб чиқиш).

К.И. Амирбеков таъкидлашича, самарадорлик доим ҳам миқдорий кўрсаткичлар билан белгиланавермайди. Масалан, агар юқори турувчи прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қуйи турувчи ходимнинг қарорини унда кўрсатилган асослар бўйича бекор қилган бўлса, сўнг бошқа асослар бўйича қайтадан жиноят ишининг қўзғатилиши, юқори турувчи прокурор ўз вазифаларини самарасиз бажарганлигини англамайди, аксинча, унинг фаолияти самарали ҳисобланади, зеро, қуйи турувчи прокурор содир этилган хатоларни тuzатиб, қонун асосида иш қўзғатган, яъни юқори турувчи прокурорнинг талабини бажарган бўлади.

А.В. Кобец ҳам шунга ўхшаш позицияга таянади<sup>2</sup>, унинг фикрича, прокурор томонидан олдига қўйилган вазифаларни минимал вақт ва процессуал воситалар билан ўз конституциявий функцияси доирасида бажариши ҳамда қонуний ва асосли қарорлар қабул қилишини прокурор

---

<sup>1</sup> Амирбеков К.И. Критерии эффективности деятельности прокурора в сфере уголовного судопроизводства (концептуальный подход) // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации № 2 (28) 2012. – С. 20-26.

<sup>2</sup> Кобец А.В. К вопросу об эффективности прокурорской деятельности // Вестник Омской юридической академии. 2014. № 3 (24) – С. 53-55.

фаолияти самарадорлигининг энг муваффақиятли кўриниши сифатида белгилаш мумкин.

Шундай қилиб, прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш тизимини жорий этишнинг дастлабки босқичларида миқдорий кўрсаткичлардан фақат ходимларни янги иш шароитларига мослашувини таъминлаш учунгина фойдаланиш мумкин бўлиб, келгусида прокуратура органи ходимлари фаолиятининг натижавийлиги ҳамда сифатини кучайтириш лозим бўлади.

Хитой тажрибасига асосланиб, балл тизимини жорий этиш “яхши рақамлар” ортидан қувишга олиб келади, деб тахмин қилиш мумкин, бироқ прокуратура фаолиятининг барча соҳаларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари самарадорлигини аниқлашнинг қулай ва ҳаққоний тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бундай мураккаб тизимни ишлаб чиқиш натижасида қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

**биринчидан,** прокуратура органлари ходимлари максимал натижаларга эришиш учун ўз ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари излай бошлайдилар;

**иккинчидан,** жамият аъзолари билан ўзаро муносабатлар яхшиланади, бу жамоатчиликнинг прокуратурага бўлган ишончининг ошишига ва аҳоли норозилигини камайтиришга олиб келади;

**учинчидан,** прокуратура органлари ходимлари учун улар фаолиятининг самарадорлигига қараб табақалаштирилган иш ҳақи тўланиши жорий этилади, бу ўз вазифаларини бажаришга виждонан муносабатда бўлиш учун қўшимча рағбат бўлади;

**тўртинчидан,** биз ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг конституциявий ҳуқуқларига лозим даражада риоя этилишини таъминлаймиз;

**бешинчидан,** тегишли идоралар раҳбарлари ва уларнинг ходимларининг шахсий жавобгарлиги ортади;

**олтинчидан**, ходимлар томонидан қабул қилинган прокурор назорати ҳужжатларининг сифати ошади.

### **3.2. Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари**

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш учун фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш давлат бошқарувидаги устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мазкур йўналишда давлат раҳбари томонидан барча давлат хизматчиларининг билим ва малакасини доимий юксалтириб бориш, шунингдек улар фаолиятини баҳолашнинг янгича тизимини жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Мазкур ислохотлар мамлакатимиз ҳудудида Конституция ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши учун масъул бўлган прокуратура органларига муҳим вазифалар юклайди. Шунга қўра, прокуратура органларида ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини ошириш кун тартибидаги долзарб масалага айланди. Чунки ходимларнинг профессионаллиги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилиб, ходимларнинг компетенциясини оширишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилган. Прокуратура органларининг бу борадаги иш фаолиятида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, қонун бузилиши содир этилишига имкон

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.Б.110.

бераётган сабаб ва шароитларни жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу жиҳатдан прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларимизни бериб ўтамыз.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, прокуратура органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизими амалда мавжуд. Бироқ, прокурорлар фаолияти давомида қайси **мезонларга устувор аҳамият беришлари лозимлиги, қайси ҳолатда улар юқори кўрсаткичга эга бўлиши аниқ белгиланмаган.**

Шунингдек, баҳолашнинг балл кўринишида бўлмаслиги ҳам маълум ноаниқликларга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам собиқ иттифоқ давлатларида бўлгани каби прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги аксарият ҳолларда статистик кўрсаткичларга боғлиқ қилиб қўйилган эди. Бироқ, охириги йилларда Республикамизда прокуратура органлари фаолиятини баҳолашда сон кўрсаткичдан сифат кўрсаткичга ўтишга қаратилган ҳаракатлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад ходимлар фаолиятини реал баҳолашга эришиш ва сифат кўрсаткичлар орқали баҳолашни прокуратура органларининг ҳар бир тармоқларига жорий этишдан иборат.

Шунга қарамасдан, дастлабки даврда прокуратура раҳбарияти ўз ходимлари ишларининг самарадорлигини, биринчи навбатда, қонун бузилишлари сони ва прокурорнинг уларга нисбатан қўллаган таъсир чоралари(**протестлар, тақдимномалар, огоҳлантирувлар, даъво аризалари**)нинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сонига қараб аниқлашади. Мазкур мезонда асосий эътибор таъсир чораларининг сон жиҳатдан қанчалик кўп қўлланилганлигига бориб тақалади. Бироқ, **бу ерда мантиқий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб қолади.** Прокуратуранинг вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш эканлигидан

келиб чиқсак, прокуратура томонидан аниқланган қонунлар бузилиши сонининг доимий ўсиши ҳамда уларга қўлланилган таъсир чораларининг сон жиҳатдан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўплиги, **прокурорларнинг аслида қонун устуворлигини таъминлай олмаётганликларидан далолат беради.** Агар ҳуқуқбузарликлар кўпинча бир хил бўлиб, уларнинг сонини йилдан-йилга кўпайишини ҳисобга олсак, **иккинчи хулоса айниқса яққол намоён бўлади.**

Статистик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш тизимининг яна бир ёмон тарафи шундан иборатки, прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини эришилган реал самарани таҳлил қилмасдан туриб, фақат сон кўрсаткич бўйича баҳолаш мумкин эмас. Бу мутлақо имконсиз ҳисобланади. Жумладан, бир туман прокуратураси томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатини кўзлаб **200 дан ортиқ даъво аризалари билан судга мурожаат қилинган** бўлса, бироқ худди шу муносабат доирасида бошқа бир туман прокуратураси томонидан **20 та даъво аризаси судга киритилган.** Бу ерда фаолиятга баҳо беришда сонларга эмас, бузилган ҳуқуқларни қанчалик тез ва сифатли тикланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Балки, 20 та даъво ариза киритилган туманда ўтган йилдаги қонунбузарликлар ўрганилиши ҳамда профилактик тадбирлар тўғри амалга оширилганлиги учун ҳуқуқбузарликлар камайгандир ёки уларнинг содир этилиши олди олингандир. Бу фаолият самарадорлигини баҳолашда, албатта, инобатга олиниши шарт. Бугунги кунда аксарият прокуратура органларида мавжуд бўлган ёндашувга асосланадиган бўлсак, 200 та даъво аризаси берган прокуратуранинг фаолияти самаралироқ ишлайди деб баҳоланади.

Бундан ташқари, статистик кўрсаткичга кўра баҳо беришнинг яна бир салбий жиҳати – **“сонни пасайтирмаслик” тамойилидир.** Натижада, ҳар йили прокуратуранинг ҳар бир ходимига иш юклагаси ортиб боради, бу эса прокуратура ходимларининг доимий равишда **“босимда”** ишлашига

олиб келади. Мазкур ҳолат эса сўзсиз ходимнинг **компетенциясига салбий таъсир кўрсатади.**

Шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасида давлат хизматчиларининг фаолиятини баҳолашнинг **KPI (Key performance indicator – энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари)** тизимига тўлиқ ўтиш амалга оширилмоқда. Бу тизимда асосий баҳо ходимлар томонидан эришилган сифат кўрсаткичларга ва улар томонидан мазкур кўрсаткичларга эришиш учун кетган вақтга қараб белгиланади. Шу билан бирга, қилинган ишларнинг самарадорлиги юқори бўлса ходим рағбатлантирилади, аксинча бўлса, унга нисбатан интизомий чоралар қўлланилиши мумкин. **Бундай баҳолашда мезон сонга эмас, соҳадаги эришилган натижага қараб белгиланади.** Масалан, бир ходим томонидан юзлаб таъсир чоралари қўлланган бўлса-да, ўша соҳада қонунбузилишлар камаймаса, унинг фаолияти қониқарли деб топилмайди.

Прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда яна бир эътибор берилиши шарт бўлган ҳолат уларнинг фаолиятини тегишли **балл тизимида баҳолаш.** Чунки прокурор ҳар бир фаолият соҳасига бирдек эътибор беролмайди ва бу имконсиз ҳисобланади. Шунинг учун ходимнинг фаолиятини баҳолашда асосий устувор вазифалар бажарилган бўлса, шу йўналишларга юқори балл бериш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, прокурор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминланган, бироқ аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш борасидаги ишларнинг самарадорлиги бироз етарли эмас. Бундай ҳолатда фаолиятга баҳо берилаётганда, **устувор вазифанинг юқори даражада бажарилганлиги инобатга олиниши лозим.**

Бундан ташқари, прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги **ПҚ-2036-сонли Қарори** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом

билан белгиланган<sup>1</sup>. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимларининг хизмати ҳам тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги **ПФ-5446-сонли Фармони**<sup>2</sup> ҳамда 2017 йил 30 майдаги **ПҚ-3016-сонли Қарори**<sup>3</sup> билан тасдиқланган<sup>3</sup> Низомлар билан тартибга солинган. Бироқ, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳам амалда прокуратура ходимлари ҳисобланадилар. Шунга қарамасдан, департамент ва бюро ходимлари фаолиятини баҳолашнинг ҳуқуқий асослари уларнинг хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомларида мавжуд эмас. Амалиётда эса Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимларининг фаолияти **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонуннинг 45-моддаси тартибида баҳоланмоқда, Мажбурий ижро бюроси ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш эса ҳалигача норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича жорижий амалиётда ўтган йилларда Россия Федерациясида бир мунча ишлар амалга оширилган.

Бу давлат прокуратураси фаолияти самарадорлигини баҳолашга бўлган ёндашувлар охириги йилларда ўзгариб, сон кўрсаткичдан сифат кўрсаткичга алмашмоқда. Шу билан бирга, Россия Федерацияси прокуратураси, унинг алоҳида органлари фаолиятини самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолашга **комплекс ёндашув тобора муҳим аҳамият касб**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги Низом 23.05.2018 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.

**этмоқда ва бу борада жамият манфаатларининг устуворлиги принципларига алоҳида урғу берилмоқда.**

Шу мақсадда, Россия Федерацияси Президентининг алоҳида кўрсатмаси билан Россия Федерацияси Бош прокурорига **“прокуратура фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари”** бўйича таклифлар киритиш топширилган.

Бундан ташқари, 2006 йилнинг иккинчи ярмида Россия Федерацияси Президентининг маъмурияти Президентнинг **“Прокуратура фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳасини тайёрлади.** Мазкур фармонда прокуратура фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларининг рўйхати акс этган эди. Бироқ, ушбу лойиҳа Россия Федерацияси Бош прокуратураси томонидан батафсил ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва унинг мазмуни бўйича жиддий камчиликлар бўлгани сабабли ҳужжат қабул қилинмай қолди<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш кучлари ва воситалари тизимидаги ўз роли ва ўрнини англаган ҳолда Россия Федерацияси прокуратураси сўнгги йилларда ўз фаолиятида прокурорлар фаолиятида рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Россияда ҳам прокуратура фаолиятини баҳолашга рақамли кўрсаткичлар асос бўлиб, улар Россия Федерацияси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларида ўз аксини топган. Бироқ, ушбу кўрсаткичлар прокуратура органлари ходимларининг умумий сони билан ўзаро боғлиқлиги **инобатга олиниб, муайян ҳудудларга нисбатан турлича акс этади.**

Юқоридаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш орқали уларни бартараф этиш бўйича бир қанча таклифларни қонунчиликка ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Проблемы эффективности прокурорского надзора: монография / под ред. проф. К. Ф. Скворцова. М.: Юрид. лит., 1977.

**Хусусан,** прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг сон кўрсаткичидан тўла воз кечган ҳолда сифат кўрсаткичга тўлиқ ўтишни таъминлаш зарур. Шунингдек, баҳолашда фақат статистик кўрсаткичлар билан чекланиб қолинмасдан экспертлар баҳоси ва фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари фикри орқали ўтказилган социологик сўровлардан олинган натижалар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Шунингдек, прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва баҳолаш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга масъул бўлган алоҳида тармоқ сифатида Бош прокуратуранинг марказий тузилмасида **“Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш”** бошқармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур бошқарма фақатгина Бош прокурорга бўйсуниб, ходимлар компетенцияси ва фаолият самарадорлигини баҳолашда ягона ваколатли тармоқ бўлиши лозим. Ушбу бошқарма ходимларини лавозимига тайинлашда ходимларга куйидаги талаблар қўйилиши лозим:

прокуратура органлари тизимида камида **ўн йилдан** ортиқ муддат давомида фаолият юритаётганлиги;

меҳнат фаолияти давомида **туман, шаҳар прокурори ёки унга тенглаштирилган** лавозимда хизмат қилганлиги;

прокурорлик лавозимидаги фаолияти комплекс текширилганда **намунали деб топилганлиги;**

юқори даражада **шахсий фазилатлар ва касбий билим ҳамда кўникмага** эга эканлиги;

“Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш” бошқармасига ходим сифатида тавсия этиладиган аттестациядан юқори(балл кўринишида 86 ва ундан юқори) натижа билан ўтганлиги.

Бошқармага ходим сифатида танлаб олиниш учун мазкур талабларнинг қўйилишидаг асосий мақсад баҳоловчи экспертнинг юқори

тажриба ва юксак шахсий фазилатларига эгалигидан келиб чиқиб баҳолашни **шаффоф ва адолатли** ўтказишдан иборат.

Бундан ташқари, таклиф этилаётган бошқарма экспертлари томонидан баҳолаш фақат ўзининг **ички ишончига асосланган ҳолда амалга оширилади.**

Шунингдек, экспертлар баҳолашининг ягона ҳуқуқий мезонлари Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи асосида ишлаб чиқилади, бироқ баҳолашнинг умумий асослари қонун билан белгиланади. Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида акс этадиган мезон ва кўрсаткичлар прокурор ваколатларини амалга оширишнинг статистик ҳисоботларида ҳамда фуқаролар ўртасида социологик сўровлар ўтказишда акс этмайдиган ёки оммавий ахборот воситаларида мавжуд ахборотларни мониторинг қилиш орқали олинмайдиган натижаларини қамраб олиши лозим. Бундай мезонлар прокурор ваколатларини қўллаш (қўлламаслик)нинг **қонунийлиги,** прокурор томонидан қонунбузилишларга нисбатан кўрилган **чораларнинг қонунийлиги,** уларнинг ўз вақтидалиги, тўлиқлиги ва кўрилган жавоб чораларининг **етарлилиги ва бошқа муҳим масалаларни қамраб олиши шарт.**

Бундан ташқари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида прокуратура органлари фаолиятини баҳолашда баҳолашда устувор йўналишлар доирасини белгилаш ҳамда балл бериш тизимиغا КРЎни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

**Кейинги навбатда,** прокурорлар фаолиятининг самарадорлигига қараб ойлик маош ва рағбатлантиришни жорий қилиш ва улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш жуда долзарб масала ҳисобланади.

Шунингдек, прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини белгилайдиган яна бир муҳим омил бу – унинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигидир.

Европа Кенгаши Вазирлар кўмитасининг 2000 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича суд тизимида давлат прокурорларининг роли тўғрисида”ги

тавсиялари<sup>1</sup>нинг **11-бандида** давлат прокуратураси ўз фаолияти юзасидан **даврий ва ошкора** ҳисобот бериши кераклиги белгиланган.

Унга кўра, прокуратура жамоат манфаатларини ҳимоя қилувчи орган бўлганлиги учун ўз фаолияти ҳақида маҳаллий ва вилоят даражасида, марказлаштирилган бўлса, миллий даражада ҳисоб бериши лозим.

Прокурорларнинг доимий ҳисобдорлиги халққа тегишли бўлиб, бу бевосита оммавий ахборот воситалари ёки нашр этилган ҳисоботлар орқали ёки сайланган ассамблея олдида амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Европа судьялари ва прокурорларининг маслаҳат кенгашларининг 2014 йилдаги “Прокурорларга тегишли Европа нормалари ва принциплари бўйича тавсиялари”<sup>2</sup>да прокуратура органлари ўз фаолияти юзасидан амалга оширилган (оширилаётган) ишлар тўғрисида маълумотларни ОАВ орқали доимий равишда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш амалиётини йўлга қўйиш белгиланган.

Бу борада, Литванинг “Прокуратура хизмати тўғрисида”ги Қонуни<sup>3</sup> 4-моддасига мувофиқ, Бош прокурорнинг Сеймга тақдим этган прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларини прокуратура хизматининг **расмий сайтига доимий** равишда жойлаштириб бориш белгиланган.

Бундан ташқари, прокурорлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари янада такомиллаштирилиши, бунда **коллегиалликнинг ролини ошириш** муҳим аҳамиятга эга.

**Шунингдек, прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси** ходимлари учун

---

<sup>1</sup> Электрон манба]. URL:<https://www.spesialenheten.no>.

<sup>2</sup> [Электрон манба]. URL:[https://www.courts.go.jp/links/kensin/seido\\_gaiyo/index.htm](https://www.courts.go.jp/links/kensin/seido_gaiyo/index.htm).

<sup>3</sup> Republic of Lithuania law on the Prosecution Service 13 October 1994 // [Электрон манба]. URL: [https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania\\_law\\_prosecution\\_service\\_1994\\_am2014\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania_law_prosecution_service_1994_am2014_en.pdf). (мурожаат вақти: 21.05.2021 й.)

ягона бўлган прокуратура органларида хизматни ўташ тартибига оид умумий **норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши** ва ходимлар фаолиятини баҳолаш асослари мазкур ҳужжатда акс этиши лозим.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 17-бандига мувофиқ, 2019 йил 1 декабргача **“Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўрсатилган<sup>1</sup>.**

Дастурда, ушбу қонунда прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш, кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мутлақо янги механизмини жорий этиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган эди.

Ўйлаймизки, мазкур таклифлар прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, прокуратура органларида бошқарувни демократлаштириш ва ошкораликни таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада бизнинг фикримизча, прокуратура органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда, ходимларнинг билими ва касб-маҳоратини юксалтириш, тизимда бошқарувнинг илғор ва замонавий усулларини жорий қилиш, ходимлар меҳнати ва касб самарадорлигини баҳолашда **замонавий менежмент услубларини қўллаш**, хусусан, прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастури”нинг 17-банди // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

## Хулоса

Прокуратура органлари ходимлари компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини миллий ва хорижий тажриба асосида таҳлил қилиш натижасида тадқиқот иши доирасида қуйидаги **назарий, амалий-ташкилий ва қонунчиликни** такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

### **I. Илмий-назарий хулосалар.**

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

- *Прокуратура органлари* - бу назорат-текширув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг қонунийлиги устидан самарали ва изчил назоратни олиб борувчи кўп функцияли ва қоришиқ ваколатли давлат органидир.

- *Давлат хизматчисининг компетенцияси* - бу инсон капитали асосида ўз аксини топадиган касбий билим, малака, тажриба ва мотивация йиғиндиси бўлиб, фаолият самарадорлигининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

- *Прокуратура органлари ходимлари фаолиятини баҳолашнинг доктринал(комплекс) модели* - бу прокурор ваколатларини амалга ошириш натижалари статистик, экспертлик ва социологик йўналишлар бўйича баҳолаш ҳисобланади.

- *Статистик баҳолаш* - прокурор назорати бўйича ваколатларни амалга оширишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳолаш.

- *Эксперт баҳолаши* – прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини шахсий тажрибасига асосланган ҳолда иш сифати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиши натижасида ўз ички ишончига асосланиб баҳо берадиган прокуратура органларида фаолият олиб борувчи ходим баҳоси.

- *Социологик баҳолаш* – прокуратура органлари ходимлари ваколатларини амалга ошириш самарадорлигини аниқлашда аҳоли ва оммавий ахборот воситалари томонидан бериладиган, социологик тадқиқотлар натижасида олинган ташқи баҳолаш кўрсаткичидир.

## **II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни прокуратура органлари амалга оширади. Ҳозирги кунда прокуратура органлари фаолияти кенг қамровли бўлиб, прокуратура тизимининг асосий вазифаси қонунийликни қатъий таъминлаш, жамиятда халқ билан очиқ мулоқотни яратиш ва адолатни тўла қарор топтиришдан иборат. Шунга кўра, прокуратура органлари фаолиятининг бош мезонини конституциявий жиҳатдан мустақкамлаш долзарб масаладир. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасини қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

*Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз фаолиятини “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилига асосланган ҳолда олиб боради. Прокуратура органлари фаолиятига ҳар қандай аралашини қонун билан таъқиқланади”.*

2. Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича диссертацияда келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилиниши белгиланаётган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 45-моддасига ўзгартириш киритиш ҳамда янги 45<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Хусасан, 45-модданинг 1-қисмини *“Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар*

*прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти Бош прокуратуранинг соҳа бўйича ваколатли тармоғи томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс баҳолаш тизими бўйича ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.”* деб ўзгартиш;

шунингдек, янги 45<sup>1</sup>-моддани қуйидаги талқинда ифодалаш:  
*“Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлардан ташқари бошқа барча прокуратура органлари ходимлари фаолияти комплекс баҳолаш тизими бўйича йилда бир марта баҳоланади ва мазкур баҳолаш Бош прокуратуранинг соҳа бўйича ваколатли тармоғи томонидан умумлаштирилиб, ходимлар фаолият самарадорлигини ошириш бўйича йиллик режавий дастурлар ишлаб чиқилади”* таклиф қилинади.

3. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасига асосан, прокуратура органларининг ходимлари аттестациядан ўтиши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда амалга оширилмоқда. Бироқ, ходимлар фаолиятини баҳолашнинг янги тизими таклиф этилаётганлиги сабабли “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддаси 4-қисмига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш лозим бўлади. Шу сабабли “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддаси 4-қисмини *“Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтказилади. Ходим фаолияти баҳоланиши давомида унинг фаолиятининг натижаси қониқарсиз деб топилса, ходимга нисбатан навбатдан ташқари аттестация тайинланиши мумкин.*

### **III. Амалий-ташкилий вазифалар бўйича таклифлар:**

1. Прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг сон кўрсаткичидан тўла воз кечган ҳолда сифат кўрсаткичга ўтишни тўлиқ таъминлайдиган, баҳолашнинг комплекс тизимини белгилайдиган, баҳолашда устувор йўналишлар доирасини ҳамда балл бериш тизимини ўрнатадиган Бош прокурорнинг соҳавий буйруғини ишлаб чиқиш бугунги кун учун долзарб масаладир.

2. Прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва баҳолаш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга масъул бўлган алоҳида тармоқ сифатида Бош прокуратуранинг марказий тузилмасида “Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш” бошқармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, Ушбу бошқарма ходимларини лавозимига тайинлашда ходимларга қуйидаги талаблар қўйилиши лозим:

прокуратура органлари тизимида камида ўн йилдан ортиқ муддат давомида фаолият юритаётганлиги;

меҳнат фаолияти давомида туман, шаҳар прокурори ёки унга тенглаштирилган лавозимда хизмат қилганлиги;

прокурорлик лавозимидаги фаолияти комплекс текширилганда намунали деб топилганлиги;

юқори даражада шахсий фазилатлар ва касбий билим ҳамда кўникмага эга эканлиги;

“Прокуратура органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш” бошқармасига ходим сифатида тавсия этиладиган аттестациядан юқори(балл кўринишида 86 ва ундан юқори) натижа билан ўтганлиги.

3. Прокурорлар фаолиятининг самарадорлигига қараб ойлик маош ва рағбатлантиришни жорий қилиш ва улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш.

4. Прокурорлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари янада такомиллаштирилиши, бунда коллегияликнинг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

5. Прокуратура органларида очиқликни тўлиқ таъминлаш бўйича жамоатчилик олдида ҳисобдорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатига тақдим этган прокуратура органлари фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларини прокуратура хизматининг расмий сайтыга доимий равишда жойлаштириб бориш белгилаш зарур.

6. Прокуратура органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши соҳадаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни биргаликда кўриб чиқишга, бу борадаги мавжуд ечимлар юзасидан умумий қарашларни ишлаб чиқишга имкон беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.Б.110.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги 257-II-сонли Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги Низом 23.05.2018 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 32(792) сон.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги Фармойиш.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида” 2007 йилнинг 7 ноябридаги ПҚ-727-сон Қарори.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастури”нинг 17-банди // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари**

**13.** Бош прокурорнинг “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғи.

### **III. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

**14.** Зайниддинов.Х.Н, Артикова.М.А, Қорабоев.Ж.Ф. Бошқарувда ахборот технологиялари//Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.-Т.: “Академия”. 2014.,Зайниддинов.Х, Якубов.М, Қорабоев.Ж.Электрон ҳукумат// Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси.Т.: Академия, 2013.,Ходжаев.С.М. Ахборотлаштириш. Замонавий қараш.-Т.,2014, Усманов А.И., Қорабоев.Ж.Ф., Раҳматуллаева Ш.Қ. Давлат ва ташкилот бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари.Т.: Академия, 2009.

**15.** Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник. -Нукус.: Билим, 1999.- С. 234.

**16.** Ибрагимов.З.С. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг такомиллашуви.-Т.ИИВ Академияси нашриёти. 2009. - 266 б.

**17.** Калонов Б. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Т. “Маънавият”. 2005. 112 б.

**18.** Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. Монография. -Т.: ТДЮИ, 2005. - 244 б.

**19.** Маҳбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. (Монография). –Т.: Университет, 1991. 136 б.

**20.** Пулатов Б.Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. Брошюра.-Т.: Фан, -2002. 112 с., Давлат айбловчисининг судда далилларни текширишдаги иштироки. Монография. -Т.: ТДЮИ, 2004. -77 б, Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати. (Ўқув қўлланма), -Т.: Тезкор, 2007.- 311 б., Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноятга оид ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланма. -Т.: Тезкор, 2007.- 205 б., Прокурор назорати. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2009.- 720 б.

**21.** Рахимов Ф.Х. Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнлари ва прокуратура органлари // Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосда ташкил қилиниши мавзусидаги конференция тўплами. -Т.: ТДЮИ, 2007.- Б.13-14.

**22.** Умаров Т.А. Роль информационно-аналитической работы и планирования в правоприменительной деятельности// Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. №3(03)2010.С.13-17.

**23.** Халимов А.Х. Давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни.Т.2006. ТДЮИ. 168 б.

**24.** Беляев В. П. Контроль и надзор как формы юридической деятельности: Вопросы теории и практики: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Саратов, 2006. -55 с.

**25.** Боровский А.Б. Контроль как средство осуществления российской правовой политики :Общетеоретический аспект : Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Тамбов, 2007. - 24 с

**26.** Дьяконов В. В. Контроль и надзор в системе функций государства(теоретический аспект) :Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М.,2006. -18 с

**27.** Маштакова Е. А. Теоретико-правовые вопросы государственного контроля в Российской Федерации :Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Волгоград,2000.-28 с.

**28.** Смирнов А.Ф. Организационно-правовые факторы оптимизации управления в органах прокуратуры Российской Федерации...дисс. на соискания. д-ра юрид. наук: М.1997 291 с.

**29.** Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. – М., 1955. – 290- бет. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент. “Адолат”, 2018. – 125-бет.

**30.** Чуршов Б., Гуьцин В. З. Правозащитные функции прокуратурь в постсоциалистическом государстве // Государство и право. -1998. -№ 5; Чуршов А. В. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод граждан // Законность. -1997. -№ 8.

**31.** Modern legal encyclopedia. 1994; Бельсон Я.М. Суд, прокуратура и тюрьма в современном буржуазном государстве. - М., 1972.

**32.** Мельников Н.В. Прокурорская власть и личность: правовые средства обеспечения конституционных прав и свобод граждан России. "Юрист", 2003. — 394 с.

**33.** Гартунг Н. История уголовного судопроизводства и судоустройства Франции, Англии, Германии и России. — Рипол Классик, 2013. — 207 с.

**34.** Давид Р. Основные правовые системы современности. — М., 1967. - Стр. 67.

**35.** Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 1999. –Б.27-28.

**36.** Семенов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей в редневековой Бухаре. М.,1948. С. 140.

**37.** Бухарский мухтасиб в начале XX века. [Электрон манба].  
URL: [googleweblight.com](http://googleweblight.com).

**38.** Абу Юсуф Йакуб Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (мусульманское налогообложение). СПб., 2001.– С.29.

**39.** ЦГА Республики Узбекистан Ф.25.оп.1.Д.19-а.Л.161.

**40.** Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. Юр.фанлар докторлиги учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент, 1993 йил. 16-бет.

**41.** Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 1992. №6.

**42.** Бессарабов В.Г Место прокуратуры в государственном механизме современной России. // Законность.- 1999. - № 10. - С. 40-45.

**43.** Кореневский Ю.В. Становление правового государства в Российской Федерации и функции прокуратуры. Круглый стол / Ю.В. Кореневский // Государство и право. - 1994. - № 5. - С. 3-34.

**44.** Виноградов О.А. Прокуратура в системе органов государственной власти // Законность. - 1997. - № 4. - С. 47-49.

**45.** Ломовский В.Д. Какой власти принадлежит прокуратура.//Российская юстиция.- 2001. - № 9. - С. 21-22.

**46.** Якупов, З. Р. Роль прокуратуры в механизме государственной власти современной России. // Право: современные тенденции : материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). — Краснодар : Новация, 2017. — С. 95-98. — // [Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11641/>.

**47.** Бойков А. Д. Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе 1990–1996 гг. М., 1997.

**48.** Исламов З.М. К какой власти отнести прокуратуру? - Народное слово, 3 июля 2003 года.

**49.** Раджабова М.А. Хукукий давлатчилик сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 22-24-бетлар.

**50.** Холов А. Давлат бошқарувида “ақлли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш масалалари//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019 yil. 105-106 betlar.

**51.** Самаров Р. Миллий кадрлар сиёсати тизимида раҳбар кадрлар:компетенциявий ёндашув//“Давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. – Тошкент. 2019. 143-бет.

**52.** Климов С.М. Интеллектуальные ресурсы общества. – СПб. : ИВЭСЭП, Знание, 2002. – 199 с.

**53.** Акрамова Ш.Г.Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар// Иқтисод ва молия/ Экономика и финансы. Т. № 10, 2011. 54 б.

**54.** Экономика народного образования. Учебник для студентов педвузов. Под. ред. Костянина С. Л.2 – е издание. М., 1986.с.314.

**55.** Bowen H. Investment in learning – San Francisco 1978. P.362.

**56.** Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи К. Экономикс. М.: Дело 1993. С.303.

**57.** Machlup F. The Economics of Information and Human Capital. – Princeton,- 1984. P.419.

**58.** Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценки. Иркутск.1999.с.97.

**59.** Ена И.В. Составляющие профессиональной компетентности прокурора и вопросы повышения её уровня // Борьба с преступностью: теория и практика: материалы Международной научно-практической конференции (Могилев, Республика Беларусь, 25 марта 2016 г.). С. 85- 88.

**60.** Қирғизбоев М.Маъмурий ислоҳотлар: Миллий давлат бошқаруви тизими модели// “HUQUQ va BURCH”.Т. 3/2019. 17 бет.

**61.** Капинус О.С., Андреев Б.В., Казарина А.Х. // Проблемы совершенствования внутрисистемной оценки работы органов прокуратуры // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Рос. Федерации № 5 (31).

2012. С. 3-14. Капинус О.С., Амирбеков К.И., Андреев Б.В., Казарина А.Х., Корсантия А.А. Методологические основы оценки работы органов прокуратуры субъектов Российской Федерации по обеспечению законности и правопорядка// НИИ Академии Ген. прок. Рос. Федерации. М.: 2013-266 с.

**62.** Амирбеков К.И. Внутрисистемная экспертная оценка прокурорской деятельности: концептуальный подход //Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ.2014. № 2(40), № 3 (41).

**63.** Теоретико-правовые и организационные основы участия прокурора в уголовном судопроизводстве. Монография. Под общ. ред. д. ю. н, профессора Халиулина А.Г. Москва.2016. С.104-119. См. также Теоретические основы оценки эффективности деятельности органов прокуратуры. Монография. Под общей ред. д. ю. н., профессора Кобзарева Ф.М. М., 2016. С. 193-217.

**64.** Теоретические основы оценки эффективности деятельности органов прокуратуры. Монография; под общей ред. доктора юридических наук Кобзарева Ф.М. М., 2016. – 300 с.

**65.** Зайниддинов.Х.Н, Артикова.М.А, Қорабоев.Ж.Ф. Бошқарувда ахборот технологиялари//Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.-Т.: “Академия”. 2014 Б.3

**66.** Прокурорский надзор. Учебник.-/ Под общ. ред. Ю.Винокуров и др.-М. Экзамен, 2003.-С.73.

**67.** Организация работы городской (районной) прокуратуры:/ Под ред.С.И. Герасимов.-М.2001. С.5

**68.** Васильев С.А.Конституционно-правовые основы взаимодействия общественных объединений с правоохранительными органами России в сфере защиты прав и свобод человека и гражданина:автореф.дис..канд.юрид.наук. М.2013.С 7

**69.** Канатов А.К Взаимодействие правоохранительных органов с населением как фактор обеспечения национальной безопасности// Журнал

зарубежного законодательства и сравнительного правоведения №1.2016.  
С.44

**70.** Турецкий Н.Н. Основы доверия населения правоохранительным органам//Криминология: вчера, сегодня, завтра.2014 №2. С38-40

**71.** Хукукни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар:Тўплам. Т.:Адолат, 2004. Б. 171

**72.** Проблемы эффективности прокурорского надзора: монография / под ред. проф. К. Ф. Скворцова. М.: Юрид. лит., 1977.

**73.** Luna E., Wade M. Prosecutors as judges //Wash. & Lee L. Rev. – 2010. – Т. 67. – С. 1413.

**74.** Sklansky D. A. The nature and function of prosecutorial power //J. Crim. L. & Criminology. – 2016. – Т. 106. – С. 473.

**75.** Gordon S. C., Huber G. A. The political economy of prosecution //Annual Review of Law and Social Science. – 2009. – Т. 5. – С. 135-156.

**76.** Wright R. F. How prosecutor elections fail us //Ohio St. J. Crim. L. – 2008. – Т. 6. – С. 581.

**77.** Ma Y. A Comparative View of Judicial Supervision of Prosecutorial Discretion //CRIMINAL LAW BULLETIN-BOSTON-. – 2008. – Т. 44. – №. 1. – С. 30.

**78.** Garoupa N., Harel A., Hylton K. The economics of prosecutors //Research handbook on the economics of criminal law. – 2012. – С. 231-42.

**79.** Zhu T. Numerical management in Chinese criminal justice // L. Soc. Sci., 4 (1) (2009), pp. 264-290

**80.** H.M. Crown Prosecution Service Inspectorate (HM CPSI) A Review of the Use of Performance Information in the Crown Prosecution Service. (2005), pp. 33-42

**81.** Xifen Lin, Cheng Chen. Organizational governance and prosecutorial attitudes: Regulating Chinese prosecutors through the performance evaluation mechanism // International Journal of Law, Crime and Justice. Volume 62, 2020.

**82.** Jiahong H., Ran H. Empirical studies of wrongful convictions in mainland China // *U. Cin. L. Rev.* – 2011. – Т. 80. – С. 1277.

**83.** H. Huang, Q. Wang, L. Jiang. The model of performance management in Harbin Procuratorates // *Chinese Talents*, 11 (2007), pp. 61-63.

**84.** Jiang N. Problems and prospects: China's response to wrongful convictions // *International Journal of Law, Crime and Justice.* – 2015. – Т. 43. – №. 1. – С. 109-128.

**85.** Kinkel J. J., Hurst W. J. The judicial cadre evaluation system in China: From quantification to intra-state legibility // *The China Quarterly.* – 2015. – Т. 224. – С. 933-954.

**86.** Long Z. Refining the performance evaluation system in Chinese judiciaries // *Tribune of Polit. Sci. Law*, 4 (2018), pp. 3-15.

**87.** Minzner C. F. Riots and cover-ups: counterproductive control of local agents in China // *U. Pa. J. Int'l L.* – 2009. – Т. 31. – С. 53.

**88.** Ng K. H., He X. *Embedded courts: Judicial decision-making in China.* – Cambridge University Press, 2017.

**89.** Богомолов Н.С. Некоторые проблемы оценки эффективности деятельности государственных органов на примере органов прокуратуры РФ // *Экономика и общество: рациональность и ответственность: сборник научных трудов.* Омск. Омгту. 2015.

**90.** Жубрин Р.В. Оценка эффективности деятельности органов прокуратуры. <https://wiselawyer.ru/poleznoe/73278-ocenka-ehffektivnosti-deyatelnosti-organov-prokuratury>.

**91.** Амирбеков К.И. Критерии эффективности деятельности прокурора в сфере уголовного судопроизводства (концептуальный подход) // *Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации* № 2 (28) 2012. – С. 20-26.

**92.** Кобец А.В. К вопросу об эффективности прокурорской деятельности // *Вестник Омской юридической академии.* 2014. № 3 (24) – С. 53-55.

#### IV. Фойдаланилган электрон манбалар

93. <https://prokuratura.uz/> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Олий Мажлис Сенатига киритган ҳисоботидан.
94. <https://www.spesialenheten.no>.
95. [https://www.courts.go.jp/links/kensin/seido\\_gaiyo/index.htm](https://www.courts.go.jp/links/kensin/seido_gaiyo/index.htm).
96. Republic of Lithuania law on the Prosecution Service 13 October 1994,; [https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania\\_law\\_prosecution\\_service\\_-1994\\_am2014\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7470/file/Lithuania_law_prosecution_service_-1994_am2014_en.pdf). (мурожаат вақти: 21.05.2021 й.)
97. <https://www.mcda.us/index.php/prosecutorial-performance> indicators-ppis
98. <https://prosecutorialperformanceindicators.org>